Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши.
2 АВГУСТ 1973 й.
ПАЙШАНБА
№ 179 (2163).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Биз ўз бахтимизнинг соҳибларимиз

Тошкент меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Украина ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланиб Киевда ўтказилган тантанали мажлисда ва Украина партия-хўжалик активи йиғилишида сўзлаган нутқлари билан ғоят қизиқиб танишмоқдалар. Бу материаллар агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар шаҳар корхоналари қурилишлари, муассасаларида ўтказаётган суҳбатларининг асосий мавзуси бўлиб қолди. Меҳнат коллективларининг намояндалари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида баён қилинган қоида ва хулосалар катта аҳамиятга эга эканлигини якдиллик билан таъкидламоқдалар.

— Қардош Украина коммунистик қурилишда қўлга киритган ажойиб муваффақиятлар ҳаммамизни қувонтиради ва руҳлантиради, — деди «Ташсельмаш» заводининг катта мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов. — Леонид Ильич «Украинанинг муваффақиятлари — кўп жиҳатдан бутун совет мамлакати қардош халқлари дўстлигининг мевасидир, улар биргалашиб қилган меҳнатининг самарасидир» деб, ҳар биримизнинг фикр ва ҳис-туйғуларимизни ифода этди. Халқларнинг ленинча дўстлиги барча иттифоқдош республикаларга ғоят катта куч бағишламоқда. Бу дўстлик жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳам равнақ топишига ёрдам бермоқда. Шу боисдан совет халқларининг қардошлигини мустаҳкамлашдан, республикамизнинг ҳамкорлигини меҳнат коллективларининг интернационал алоқаларини ҳормай-толмай ривожлантиришдан кўра биз учун муҳимроқ вазифа йўқ. Биз Одессадаги Октябрь революцияси номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи билан кўп йиллардан буён мусобақалашиб келмоқдамиз. Меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бераётган бу мусобақани бундан буён ҳам ривожлантирамиз.

Тошкент авиация заводида слесарь Орип Раҳимхўжаев бирга ишловчи ўз ўртоқлари билан суҳбатда бундай деди:

— Леонид Брежневнинг «ўзимизнинг тинимсиз қиладиган ялпи меҳнатимизгина турмуш неъматларини бизга таъминлаб беради. Фақат шу меҳнатгина мамлакатни янада равнақ топтиради... Яхшироқ ишласак, яхшироқ яшайверамиз» деган сўзлари айниқса менинг эсимда яхши сақланиб қолди. Бу сўзлар миллион-миллион совет меҳнаткашлари учун шиор бўлиб хизмат қилади. Бу эса биз— Тошкент самолётсозларининг ҳам шиоридир. Биз мусобақани кенг авж олдириб, беш йилликнинг учинчи йили топшириғини Улуғ Октябрнинг йиллигигача бажариш учун ҳаракат қиламиз. Завод, шаҳар, республика ва бутун мамлакатнинг эришган муваффақиятлари ҳар биримизга ҳам қувонч бағишлашини яхши биламиз. Биз ўз бахтимизнинг соҳибларимиз.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ газеталарда

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг 1 август куни Қримда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Т. Живков, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал ва Румыния Коммунистик партиясининг бош секретари, Румыния Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Н. Чаушеску билан учрашувлари ҳақида хабарлар босилган.

★ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 1 августда Кремлда Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили А. Дабсни қабул қилди. А. Дабс Н. В. Подгорнийга АҚШ Президенти Р. Никсоннинг мактубини ва унинг топшириғига мувофиқ Қўшма Штатлар халқи номидан совет халқига совға тариқасида «Аполлон-17» Америка космик кемаси ерга олиб тушган ой замини намунасини топширди.

★ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Германия Бирлашган Социалистик партиясининг асосчилари ва раҳбарларидан бири, совет халқининг катта дўсти, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг 1973 йил 1 августда 81 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

«Узбексельмаш» заводининг машинасозлари она-Ватан пахтакорларига кўплаб турли хил қишлоқ хўжалик машиналари — кўсак чувиш, тўкилган пахтани териш агрегатлари ҳамда сеялкаларни етказиб беришаяпти.

СУРАТДА: тўртинчи цех коллективи ишлаб чиқараётган сеялкалар. Илғор слесарлардан Виктор Колесников (ўнгда) ва Эмма Шарифбоева навбатдаги сеялкани тайёрлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Бир корхона янгиликлари

Маҳсулот кўпаяди

Бугун

Газ аппаратлари заводининг эмаль цехида қурилган печь тўлиқ қувват билан ишлай бошлади. Авваллари корхонанинг асосий маҳсулоти бўлган—газ плитасига ишлатиладиган асосий қисм ва узеллардан 22 таси Ангрендаги санитария-техника жиҳозлари заводида сирланиб келинар эди. Янги печнинг ишга туширилиши ана шу деталлардан 19 тасини бевосита корхонанинг ўзида эмаллашга имкон беради. Эндиликда ҳар куни заводда 2000—2500 узел қисмларини эмаллаш мумкин.

Ҳозирги вақтда заводда яна бир печни ўрнатишга қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбир муваффақиятли бажарилса, завод коллективи бошқа корхонага бориб узелларни сирлаб келиш юмушидан батамом халос бўлади ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин кўпайтиради.

Иккинчи квартал якунлари бўйича

Шу кунларда завод ишчиларининг шодлиги чексиз. Ҳал қилувчи йилни зарбдор меҳнат қилиш билан бошлаган коллектив ўтган ойларда ишлаб чиқаришда энг яхши кўрсаткичларни қўлга киритди. Иккинчи квартал якунлари бўйича социалистик мусобақада турдош корхоналар ўртасида биринчи ўрин эгалланди. Шунинг учун ҳам нефть ва газ ходимлари пойтахт область касаба союзлари комитети бу ғолиб коллективни иккинчи даражали диплом билан тақдирлади.

Мукофотдан руҳланган корхона ишчилари июль ойи топшириғини ҳам муддатидан бир кун аввал адо этдилар. Буюртмачиларга ой давомида 276 минг ўрнига 290 минг сўмликдан ортиқ газ плиталари, горелкалар етказиб берилди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини тобора авж олдираётган ишчилар шу кунлардаги бутун куч ва ғайратни ҳал қилувчи йилнинг қолган ойлари план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қаратмоқдалар.

«Тошкент оқшоми» метро қурилишида

ШАХТА ТАЙЁР

Бугун

«Ўзбекистон» кўчасидаги бўлажак Тошкент метрополитенининг «Халқлар дўстлиги» станциясида лаҳм қазиш учун шахта қуриш ишлари тугалланди. Шахтанинг баландлиги бир неча метр, тупроқ чиқариб ташланадиган жойи эса бир неча метр қилиб тайёрланган. Бу тупроқни механизация усулида бемалол автомашиналарга ортиш имконини беради.

Шахта қуриш ишлари 2-тоннель отряди Э. Кўсенгалиев бошлиқ участканинг Станислав Попов, Петр Сенчилин, Владимир Смеканин бошлиқ лаҳмчилар бригадаси олиб борди. Бунда лаҳмчилардан Иван Мальцев, Николай Троцкевич, Анатолий Куприянович ва автопарк машинисти Айдер Усенковлар катта хизмат кўрсатди.

Энди метрочилар «Халқлар дўстлиги» станциясидан «Фарҳод» станцияси томонга қараб қазиш ишларини бошлаб юборишади.

Ипакчиликка мўлжалланган машиналар

Тошкентда ипакчилик конструкторлик бюроси ташкил этилди. Бу ерда пилла етиштиришда қўл кучи билан бажарилаётган ишларни механизациялаштириш масалалари ҳал этилмоқда.

— Ҳозир республикамиздаги бир неча ишлаб чиқариш корхоналари пиллакорлар учун машиналар яратиб бермоқда, — деди, мухбиримиз билан суҳбатда Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти механизация бўлимининг мудири В. Я. Янов, — ана шулардан бири тут баргларини қирқиб берувчи «РТА-25» мосламасидир. У тут баргларини ипак қуртларига пешма-пеш етказиб беришда айниқса қўл келмоқда. Пилла тозалайдиган «ЧК—1», навларга ажратадиган машиналар пиллакорларни хурсанд қилмоқда.

Пиллачилик учун қулай мосламалар «Сигнал» ишлаб-чиқариш техника бирлашмасида ва САИМЭнинг тажриба заводида тайёрланмоқда.

Шу кунларда ихтирочи ва рационализаторлар янгидан-янги машиналар технологиясини яратиш устида иш олиб бормоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН УСТАЛАРИНИНГ БУЮМЛАРИ

Калуга бадиий буюмлар музейи залларида Ўзбекистон халқ декоратив-амалий санъати виставкаси очилди. Музей экспозициясида қардош республика усталарининг 200 дан ортиқ буюмлари: гиламлар, сопол идишлар, зарб қилинган мис буюмлар, ёғочга нақш солинган буюмлар, зардўзлик буюмлари бор. Томошабинлар кўли гул усталарнинг нафис буюмларига юксак баҳо бермоқдалар.

(ТАСС мухбири).
Калуга.

АФҒОНИСТОН ПОЙТАХТИГА

«Таштекстильмаш» заводи Афғонистон пойтахтига «ПК-10 М» маркали йигирув-пишитув машиналарининг дастлабки партиясини жўнатди. Қобулдаги тўқимачилик фирмаларидан бири бу ускуналарни СССР ташқи савдо ташкилотлари орқали Ўзбекистондан сотиб олди.

«Таштекстильмаш» жаҳон бозорига тўқимачилик ускуналарининг уч турини —йигрув-пишитув агрегатлари, пилталаш ва йигирув машиналарни сотмоқда. Ўтган йили корхона чет элларга 2000 га яқин машина етказиб берди.

(ЎзТАГ).

Граммпластинкалар савдоси яхшиланмоқда

Тошкент граммпластинкалар уйи коллективи ҳар бир тарихий сана муносабати билан граммпластинкалар савдо кўргазмасини ташкил этмоқда. РСДРПнинг II съезди 70 йиллиги муносабати билан пластинкалар савдо кўргазмаси ташкил этилди. Шу куни минг сўмдан зиёд пластинка сотилди.

Яқинда Ленинград граммпластинкалар заводи ўз маҳсулотларини шаҳримизга юборди. Улар таниқли композиторларнинг оперетта асарларидан иборат.

Келгусида Тошкентда Чехословакия Социалистик Республикасида ишлаб чиқарилган граммпластинкалар савдо-кўргазмаси ташкил этилади. Биз дўстларимиз билан граммпластинкалар савдосини ташкил этиш борасидаги тажрибаларимизни ўртоқлашамиз.

М. ФОЗИЛХУЖАЕВА.
Тошкент граммпластинкалар уйининг директори.

Юксак мукофот

Тошкент область, Ўрта Чирчиқ райониндаги меҳнаткашлар депутатлари Ленин қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Фавзия Абдуллаевна Сайфуллинага СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг олтин медали топширилди, Бутун қишлоқ совети эса халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг Фахрий дипломига сазовор бўлди. Депутатларга бундай юксак мукофот ер ҳақида, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш, далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилганликлари учун берилди.

Қишлоқ совети территориясида тўрт хўжалик бор. Бу қишлоқда ер азалдан ҳайдалиб келинмоқда, ҳар бир яроқли участкадан фойдаланилмоқда. Лекин ўтган йил депутатлар ерни эҳтиёт қилиш ва ундан рационал фойдаланиш учун бошланган Бутуниттифоқ юришига қўшилиб резервларни қидириб топдилар. Оқсоқоллар советининг штатсиз ёрдамчилари уларга қандай иш қўриш кераклигини кўрсатдилар.

Свердлов номли колхознинг собиқ бригадири ҳозирги вақтда пенсионер Ленин ордени кавалери Ҳайдарали Қамбаров, унинг ўртоқлари — оқсоқоллардан Абдукарим Ҳолиқов билан Хайитбой Давидов ўтган йилнинг бошларида Фавзия Абдуллаевна ҳузурига келдилар. Улар хўжаликларнинг экинбоп ерлари карталарини синчиклаб ўрганишни таклиф қилдилар. Бу таклиф қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги бўйича депутатлар комиссияси ишга киришди.

Депутатлар комиссиясининг аъзолари атроф теварақдаги хўжаликларнинг барча далаларини кезиб чиқдилар, экин экиладиган карталарини синчиклаб ўргандилар.

Депутатлар қидирувининг натижалари бундай қараганда катта эмасдай туюлади. Уларнинг талаби билан бу йил 86 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Лекин хўжаликларнинг пахтакорлари беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида ҳар гектар ердан ўттиз центнердан пахта етиштириш учун курашаётганликларини назарда тутсак, бу ерлардан қарийб уч юз тонна «оқ олтин» олиш мумкин. Экономистларнинг ҳисоблашича, совет депутатларининг бу яхши иши камида 20 минг сўм даромад келтиради.

Ленин қишлоқ советига Фавзия Абдуллаевна 18 йил мудом бошчилик қилмоқда. Бу қишлоқ Совети — Ўзбекистондаги энг яхши советлардан биридир.

Ю. ЮДИН,
Ўзбекистон информацион агентлигининг мухбири.

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«Зангори кема»ларни дарғалар бошқаради

Қишлоқ меҳнаткашларидан мингдан ортиқ кишп механизация курсларида, мактабларида ва билим юртларида ўқишни тамомламоқда. Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари учун пахта териш машиналар механик - ҳайдовчиларининг катта отряди терим мавсумига ҳозирлик кўрмоқда.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси системасининг ўзидагина 4,4 минг қишлоқ йигит-қизи «зангори кема»ларнинг механика - ҳайдовчиси касбини эгаллашади. Уларнинг кўпчилиги ўрта мактабларни битириб чиққан ёшлар бўлиб, ҳаммалари ўқиш давомида терим машинасининг тузилиши, уларни ишлатиш ва ремонт қилиш юзасидан зарур билимларни оладилар. Айни вақтда «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг курсларида 9,4 минг тракторчи малакасини оширади.

Республика колхоз ва совхозлари механизатор кадрларнинг янги отрядини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. «Зангори кема»ларни бошқарадиган механик-ҳайдовчи қизлар учун янги терим машиналари, пахтаси яхши етилган далалар ажратилди. Ҳосилни механизация ёрдамида териб олишнинг дастлабки кунларида ишда уларга устозлари — тажрибали механизаторлар ёрдам беришади.

Андижон бадиий буюмлар фабрикасининг ассортименти яна бир янги маҳсулот билан бойиди. Бу ўзига хос гулли «хэдерша» гиламларидир. Шу билан Андижон фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури 21 тага етди. Янги гилам (суратда кўриб турибсиз). СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг биринчи даражали дипломига сазовор бўлди.

Р. Ашуров фотоси. (ТАСС).

Мутахассисларнинг янги маскани

МАРҲАМАТ (Андижон области). Марҳамат районининг район маркази Қорабағишда янги зооветеринария техникуми очилди. Бу йил техникум Андижон областининг колхозлари ва совхозлари учун зоотехник ва ветеринар фельдшерлар тайёрлайдиган бўлимларга биринчи тингловчиларни қабул қилади. Келаси йили техникумда чорвачилик фермаларини механизациялаш ва электрлаштириш бўлими очилади.

Гастролга жўнаб кетишди

С. Айний номидаги Бухоро область театри гастроль бериш учун Тожикистонга жўнаб кетди. Бухоро артистлари икки ҳафта давомида ўз дўстларига энг яхши спектакллари — «Тоҳир ва Зуҳра», «Мирза Иззат Ҳиндистонда», «Наргиз». «Қалб хотираси» спектаклларини намойиш қиладилар, республика шаҳар ва қишлоқларида концерт берадилар.

Тожикистон санъат шинавандалари Бухоро театри билан биринчи марта танишаётганлари йўқ. Бу — уларнинг бешинчи учрашуви.

СУТ СОҒИБ ОЛИШ КЎПАЙМОҚДА

БУКА (Тошкент области). Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози йил бошидан бери давлатга пландан ташқари икки юз центнердан ортиқ сут сотди. Қимматли маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш туфайли эришилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 224 литр ортиқ бўлди ва 2042 литрга етди. Улкис Шукурова билан Муҳаббат Абдуллаева ҳар бир сигирдан 2,5 минг литрдан сут соғиб олишди.

Колхоз чорвадорлари бу йил ҳар бир сигирдан ўтган йилдагига нисбатан беш юз литр кўп—3600 литрдан сут соғиб олишни мўлжаллашмоқда.

(ЎзТАГ).

Ҳамшаҳарлар диққатига

Маршрутда ҳаракат вақтинча тўхтатилади

Бугун

1, 19-трамвайлар қатнови вақтинча тўхтатилди. Пассажирларга қулайлик яратиш мақсадида 8,9-трамвайлар кўпайтирилди.

Трамвай-троллейбус бошқармасидан редакциямизга хабар беришларича, трамвайларнинг қатнови Бешёғоч кўчасида реконструкция ишлари олиб борилаётганлиги туфайли тўхтатилди.

Кўчадаги реконструкция ишлари тамомлангач, трамвайлар яна ўз маршрутлари бўйлаб қатнай бошлайди.

Футбол

Фахрли соврин учун

Кеча фахрли соврин — футбол бўйича СССР Кубоги учун «Днепр»— «Арарат» ва «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Киев) учрашувлари бўлиши керак эди. Аммо пойтахт динамочилари ёшлар ва студентларнинг X Жаҳон фестивалига таклиф қилинганликлари сабабли, уларнинг киевлик клубдошлари билан биринчи учрашуви 15 августга кўчирилди. Шунинг учун Днепропетровскнинг «Днепр» ва Ереваннинг «Арарат» футболчилари кеча биринчи бўлиб ярим финал ўйинларини бошлаб юборишди.

«Днепр» ва «Арарат» ана шу ўйиндан уч кун илгари мамлакат чемпионатида бир-бирлари билан учрашган ва бу ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида тугагач 11 метрли жарима тўпларини тепиш бўйича украин футболчилари ғалаба қозонишган эди.

Кечаги ўйинда эса арман футболчилари 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Ягона тўпни майдон эгалари дарвозасига учрашувнинг 62-минутида Э. Маркаров киритди.

Жаҳон ойнаси

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон миллий экономикаси давлат секторининг корхонаси — Гужарат штатидаги трактор заводи биринчи тракторни ишлаб чиқарди. Гужарат штатининг бош министри И. Патель ана шу воқеага бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, штат ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун имкони бўлган барча ишни қилади, деди.

◆ БУХАРЕСТ. Бухарестлик оилалардан 15 мингдан кўпроқ киши шу йил бошидан буён янги, обод квартираларга кўчиб кирди. Бу квартираларнинг қарийб тўрт мингтаси пландан ташқари қуриб берилди. Бутун 1973 йил давомида Румыния пойтахтининг 2300 дан ортиқ оиласи янги уйлардаги квартираларга кўчиб киради. Уй-жой қурилиши асосан шаҳарнинг ишчилар яшайдиган кварталларида олиб борилмоқда.

Румыния пойтахтининг аҳолиси шу беш йилликда (1971—1975 йиллар) жами янги, обод уйлардан 120 минг квартира олади.

◆ СОФИЯ. Болгария саноати, дейилади ахборот ва алоқа министрлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида, шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг дастлабки олти ойидагига нисбатан 9,2 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Машинасозлик, металл ишлаш, нефть, химия ва резина саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, асосан меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси кенгайди. Ишларни механизациялаштириш даражаси ошди. Деҳқончилик соҳасида табиий шароитларнинг ноқулай келганлиги натижасида рўй берган қийинчиликларни бартараф этиш учун кўп куч-ғайрат сарф қилинди, чорва туёғи кўпайди.

(ТАСС).

ИСЛАНДИЯ. Вулқон отилиши натижасида кул остида қолиб кетган Вестманнаэйяр балиқчилар шаҳрининг аҳолиси ва қутқарув отрядлари шаҳарда тозалаш ишларини олиб боришаяпти. Кўпгина кўчалар ва уйлар вулқон кулидан тозалаб бўлинди.

СУРАТДА: Вестманнаэйяр аҳолиси хашарда.

Нордиск— ТАСС фотоси.

1971 БЕШ ЙИЛЛИК: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛ 1975
МЕҲНАТ ВАХТАСИ

КАМ МАБЛАҒ САРФЛАБ, КЎПЛАБ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК!

●Сўз—корхона раҳбарларига

Унумдорликни ошириб

Фабрикамиз республика Мебель ва ёғочни қайта ишлаш бошқармасига қарашли ягона корхонадир. Унда асосан мебель ойналари ишлаб чиқарилади. Коллективимиз зиммага юклатилган вазифанинг нечоғлик маъсулиятли эканлигини юракдан ҳис этиб, ҳал қилувчи йилни материал ва хом ашёни кам сарфлаган ҳолда, кўплаб яхши сифатли маҳсулот тайёрлаш учун қизғин курашиш шиори остида бошлади. Меҳнат беллашувининг авж олдирилиши туфайли янги муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Ҳал қилувчи йилнинг дастлабки икки кварталида маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини 118, реализация планини 115 процент қилиб адо этдик. Белгиланганига қўшимча 6 минг квадрат метр мебель ойналари ортиқ ишлаб чиқариб, мижозларимизни мамнун этдик.

Партия ва ҳукуматимизнинг ҳал қилувчи йил халқ хўжалиги плани топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорида маҳсулот сифатини яхшилашга катта эътибор бериш алоҳида таъкидлаб ўтилади. Қарор кўрсатмаларини ўзларининг жанговар иш программаси деб қабул қилган ишчиларимиз ойна ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни, унинг сифатини яхшилашга эришиш билан бирга қўшиб олиб боряпти.

◆ МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ.
◆ МИЖОЗЛАР ХУРСАНД.
◆ МУСОБАҚАНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА.
◆ СИФАТ УЧУН КУРАШ.
◆ ВАҚТДАН ЎЗАЁТГАНЛАР.

Бу соҳадаги хайрли ишимизни фабрикамиз вакилларини буюртмачи ташкилотларга юбориш, уларнинг талаб ва истакларини ўрганиш ҳамда амалга оширишдан бошладик. Шу билан бирга, браксиз маҳсулот тайёрлашни фабрикамиз ҳар бир аъзосининг эзгу шиорига айлантирдик.

Маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан белгилаган тадбиримизни амалга ошириш ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижалар берди. Буни йил бошидан буён бирорта шикоят хати олмаганлигимиздан ҳам билиш мумкин.

Фабрикамиз қучаётган зафарларда шахсий мусобақа пешқадамлари қўшаётган ҳисса каттадир. Оператор Латифа Мадалие ва машъалларимиздан бири. У фабрикамизда биринчи бўлиб республикамиз донгдор тўқувчиларининг тўққизинчи беш йиллик шахсий план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ҳақидаги даъватига қўшилган эди. Кун сайин суръатга-суръат қўшиб ишлаётган меҳнат зарбдори бутун куч ва ғайратини ваъдага вафо қилишга сафарбар этмоқда. Ҳозирги пайтда илғор ишчи келгуси йилнинг учинчи квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Смена мастери В. Трофимова ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Бу ишбилармон аёл бошчилик қилаётган смена коллективи ҳар доим кунлик топшириқни ошиғи билан ўринлаб келяпти. З. Ҳакимова, Б. Ҳапизов, И. Чехов каби ўнлаб меҳнат пешқадамлари ҳам беш йиллик шахсий план топшириқларини тўрт йил, ҳатто ундан озроқ вақтда адо этишга сўз беришган. Дастлабки ҳисоб-китоб уларнинг ўз сўзлари устидан чиқишларини кўрсатиб турибди.

Фабрикамиз аҳил коллективининг ҳозирги вақтдаги асосий эътибори ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган. Нега деганда, юксак мажбурият—2 миллион 376 минг сўмлик ойна маҳсулотларини реализация қилиш вазифасини фақат меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига бажариш кўзда тутилган. Корхонамиздаги барча ишлар ҳозирги жадалликда борса, йиллик маррани 10 декабрда эмас, балки ундан 20 кун аввал ўринлаймиз, ҳамда планга қўшимча бир неча минг квадрат метр сифатли ойна ишлаб чиқариб, буюртмачиларимизга жўнатамиз. Кўзланган мақсадга эришиш учун биз меҳнат беллашувини янада қизғин авж олдирамиз.

К. ИМОМБЕРДИЕВ,
Ойна-мебель фабрикасининг директори.

Фан—ишлаб чиқаришга

ОДДИЙ УСУЛ

Пахтачилик саноати марказий илмий-тадқиқот институтида линтни бевосита химия ёки тўқимачилик корхонасида тозалашнинг оддий усули ишлаб чиқилди. Линт тозалаш конструкциясига янги узел: эзадиган вал қўшилди. Унинг ҳаракати туфайли хор-хас аралашмалари майдаланади ҳамда ўзининг ёпишқоқлигини йўқотади. Сўнгра уларни вентилятор ёрдамида тозалаш жуда ўнғай. Валлар тозалагичларнинг самарадорлигини салкам икки баравар оширди.

Беруний номидаги проспектда «Главташкентстрой», «Ташинжстрой» трести 7-ихтисослаштирилган қурилиш бошқармасининг азаматлари ер ости коллектори қурилишини олиб бормоқдалар.
СУРАТДА: (чапда) мастер Равил Галимов, қурувчилардан А. Морозов, А. Гусейнов ва Г. Дзонбоевлар навбатдаги вазифалар ҳақида фикрлашмоқдалар.
И. Шоиноғомов фотоси.

●Социалистик мажбурият изидан

СИЛЖИШ БОР, АММО...

48 минг квадрат метр уй-жой, 2206 ўқувчига мўлжалланган икки мактаб, мактаб ёшигача бўлган болалар учун иккита муассаса, 48 та саноат, савдо, маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. 65,2 километр ер ости коммуникация ишлари бажарилди, 32 километр узунликда суғориш лотоклари ётқизилди, кўча ва йўлкаларга 248 минг квадрат метр асфальт ётқизилди. Булардан ташқари, қанча-дан-қанча темир йўл, трамвай излари ётқизилди ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. «Таштрансспецстрой» трести бунёдкорларининг 1973 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари мақтовга лойиқдир.

Чунки, 1972 йилнинг биринчи ярим йиллик плани 81,5 процент бажарилган ҳолда, планга нисбатан бир миллион 230 минг сўмлик кам иш бажарилган эди. Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида социалистик мусобақанинг бирмунча авж олдирилганлиги туфайли, биринчи ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани бош пудрат бўйича 105 проценти, ўз кучлари билан қилинган ишлар қарийб 107 процент бажарилди.

Қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш туфайли 104 минг сўм фойда кўрилди. Иш ҳақи фондидан 32,3 минг сўм тежалди. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитида ишчилар моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Трестдаги олтита қурилиш бошқармасидан бештаси ўз кучлари билан бажариладиган ишлар ярим йиллик планини анча ошириб адо этди. Масалан, 2-қурилиш бошқармаси планга қўшимча 10 минг сўмлик, 37-қурилиш бошқармаси — 52 минг, термоизоляция бошқармаси — 65 минг, 5-қурилиш бошқармаси — 65 минг, 5-қурилиш бошқармаси — 82 минг сўмлик иш бажарди.

Бошқармалар ўртасида ташкил қилинган социалистик мусобақада Анатолий Борисович Кочнов бошчилик қилаётган 71-қурилиш бошқармасининг коллективи айниқса юксак натижаларга эришмоқда. Бошқарма коллективи ярим йилликда барча бошқармаларнинг планга қўшимча бажарган ишларини бирга қўшиб ҳисоблагандагидан ҳам кўп —234 минг сўмлик қўшимча иш бажарди.

Партия ташкилотининг секретари Нина Ивановна Моисеева, қурилиш комитетининг раиси Галина Ивановна Боровинская коллектив ўртасида социалистик мусобақани яхши йўлга қўйганлиги туфайли 71-қурилиш бошқармаси биринчи ярим йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини ўз кучлари билан 121,7 процент, бош пудрат ишлари планини — 118 процент бажаришга муваффақ бўлди.

⊙ ЯНГИ ОБЪЕКТЛАР—ЭЛ ХИЗМАТИДА ⊙ ПЛАН УЧУН КУРАШДА КОММУНИСТЛАРНИНГ АВАНГАРДЛИГИ ⊙ ИККИ БОШҚАРМАДА ИККИ ХИЛ АҲВОЛ ⊙ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ.

Давлат планини муддатидан олдин бажариш учун курашда трестнинг бир юз элликдан ортиқ коммунистлари авангардлик кўрсатмоқдалар. Илғор 71-қурилиш бошқармасининг коммунистлари —йўл ишлари монтажчилар бригадасининг бошлиғи Х. Х. Рязапов, йўл монтёри Г. М. Барашкова ва машинист А. П. Папкин, 37-қурилиш бошқармаси труба ётқизувчи слесарлар бригадасининг бошлиғи М. А. Абдусаматов, 72-қурилиш бошқармаси санитария-техника ишлари бригадасининг бошлиғи Н. Лукьянов, 5-қурилиш бошқармаси комсомоллар бригадасининг бошлиғи А. Лунев ва тракторчи Э. Валиев, 2-қурилиш бошқармасининг бульдозерчиси Ю. С. Крюков, йўл ишчиси Н. Марунич, сантехниклар бригада бошлиғи Ю. Богородцев, термоизоляция бошқармасининг ишчилари Ю. К. Галдиевич, У. Тулипков, А. Ҳакимов каби ишлаб чиқариш илғорлари меҳнат намуналари билан бутун трест коллективи ўртасида обрў-эътибор орттиришган.

Давлат планининг бажарилишида, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашда рационализаторлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу даврда 12 та рационализаторлик таклифини жорий этишдан 27,7 минг сўм иқтисодий фойда олинди.

1973 йил иккинчи квартал социалистик мусобақаси якунида коммунист А. Б. Кочнев бошчилик қилаётган 71-қурилиш бошқармаси трестнинг кўчма Қизил байроғини ва минг сўм пул мукофотини олишга муваффақ бўлди.

Иккинчи ўринни эгаллаган А. Ҳайдаров бошлиқ 5 ва 3-ўринни эгаллаган В. И. Ан бошлиқ термоизоляция бошқармасига вимпел ҳамда 500 ва 300 сўм пул мукофоти берилди.

Зарбдор йилнинг биринчи ярмида трест коллективининг фаолиятига якун ясаган коммунистлар эришган ютуқлар билан бирга, бошқармалар ишидаги камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташладилар.

Трест бўйича ярим йиллик қурилиш-монтаж бош пудрат ишлари плани 105,3 процент ва ўз кучлари билан амалга оширилган ишлар плани 106,9 процент бажарилган ҳолда, 72-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи В. К. Ҳакимов, партия ташкилотининг секретари В. С. Вяльдина, қурилиш комитети раиси Е. Г. Синицин ўртоқлар) давлат планини бажара олмади ва пландагидан 34 минг сўмлик кам иш бажарди.

Коммунистлар ва илғор ишчилар 43 минг сўмлик кам иш бажарган 2-қурилиш бошқармаси (бошқарма бошлиғи С. Л. Зубарев, партия ташкилотининг секретари А. Л. Аванесов, қурилиш комитети раиси О. Болтабоев) бу йил ўтган йилдагидан ҳам ёмон ишлаётганлигини айтдилар.

Бошқармада ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми пасайиб кетган. Натижада, давлат мулкини талон-тарож қилиш ҳоллари ҳам рўй берди. Кўпчилик бошқармаларда бажарилган ишларнинг сифати пастлиги сабабли уларни қайтадан тузатишга тўғри келяпти. Бу, ўз навбатида, планнинг бажарилишига тўсқинлик қилаяпти.

Трестда қурилиш машиналари ва механизмлардан тўла фойдаланилмаётганлиги, объектларнинг техника тайёргарлиги қониқарсиз аҳволдалиги, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун етарли даражада кураш олиб борилмаётганлиги, кадрлар қўнимсизлиги авж олганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Бу камчиликлар коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳамда ишлаб чиқаришни қурувчи кадрлар билан мустаҳкамлашнинг бошқа йўсиндаги тадбирлари амалга оширилмаслиги, социалистик мусобақа оммавий тус олмаганлиги, партия йиғилишларида қабул қилинган қарорларнинг қониқарсиз бажарилаётганлиги сабабли вужудга келмоқда.

Трест беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида 1972 йилнинг шу давридагига нисбатан кўп миқдорда иш бажарган бўлса-да, 1971 йилнинг ярмида бажарилган иш ҳажмидан ҳали ҳам 967 минг сўм орқада қолмоқда. Ўз вақтида бажарилмай қолган ишларни ниҳоясига етказиш учун кураш сустлик билан боряпти.

Трест ва унга қарашли бошқарма раҳбарлари, партия ташкилотлари ва қурилиш комитетларининг раислари 1973 йил давлат плани ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаш учун белгиланган тадбирларни тезда амалга оширишлари, социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари керак.

Трест коммунистлари қабул қилган қарорларида бошқармаларнинг коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида план ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз олдларига қўйилган янги вазифаларни шараф билан бажаришларига ишонч билдирмоқдалар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

ЎзТАГ мухбирлари хабар қилади

АНДИЖОН АВТОМАТЛАРИ

Андижондаги «Электроаппрат» заводида тайёрланган автоматлар электр энергияси қабул қилиб олади ва тақсимлайди. Кама автомобиль заводидаги аппаратларни зўриқишдан омон сақлайди. Завод коллективи Набережние Челнига янги электр асбоб-ускуналарни жўната бошлади.

Фахрий буюртмани бажариш корхонадаги пешқадам коллектив — М. Ғаниев бошлиқ цехга топширилди. Бу ерда илғор монтажчилардан Х. Алижонов, Р. Раҳимов, К. Умаров, шунингдек Б. Тайлоқов бошлиқ бригада азаматлари яхши меҳнат қилмоқдалар.

Автомобиль заводи қурувчиларининг илтимосига биноан андижонликлар КАМАЗ буюртмасини планда белгиланганидан йигирма кун аввал бажаришга қарор бердилар. Йил охиригача Набережние Челнига йиллик пландан ташқари юзлаб автоматик ёритқич шчитлари юборилади.

ИССИҚ ИҚЛИМГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЁНЧИЛИК ФЕРМАСИ

«Узгипросельстрой» институти иссиқ иқлим хонасидаги хўжаликларда қуриш учун мўлжалланган қуёнчилик товар фермасининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундай фермада қуёнлар енгил йиғма-темир бетондан ясалган ёпиқ бинода боқилади, ёзда автоматлар бино ичидаги ҳавони 28 градусгача салқин қилиб туради.

Ферма 40 та урғочи қуёнга мўлжалланган. Бундай фермада ҳар йил 12 минг қуён ўстириш мумкин. Демак, ферма йилига 225 центнер парҳез гўшт бера олади. Фермани қуришга сарфланган ҳаражат жуда тез ўзини қоплайди. Бундай ферма йилига камида 30 минг сўм соф фойда беради. Хўжаликда 9 киши ишлайди. Озуқа тайёрлаш ва улашиш, шунингдек биноларнинг ичини тозалаш сингари сермеҳнат ишларнинг ҳаммасини машиналар ва механизмлар бажаради.

◆Мусобақа—ютуқлар калити

Суръат жадал

Коммунистик меҳнат зарбдори Александра Кривовязова ўн беш йилдан буён усткн-трикотаж фабрикасида тўқувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Новатор ишчи шу кунларда 1974 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади.

СУРАТДА: В. Кривовязова.

Катта Олмазор трассасида Ўзбекистон Давлат Дорихоналар бошқармаси учун омбор қуриляпти. Бино уч қаватли бўлиб, бунда 120 ўринли мажлислар зали, савдо бўлими, маъмурият ходимлари учун хоналар ва маҳсулот сақланадиган омборлар бўлади.

Омборхона қурилиши март ойида бошланган. Объектдаги қурилиш-монтаж ишларини «Главташкентстрой» 159-қурилиш тресли 10-қурилиш бошқармасининг М. Садиров прораблигидаги участка бинокорлари олиб боришмоқда.

Саратоннинг жазирамасига қарамай, бинокорлар иш суръатини кундан-кунга оширмоқдалар. Қурилиш участкасида бўлган киши бунинг гувоҳи бўлади.

Анатолий Карстин бошлиқ комсомол-ёшлар комплекс бригадасининг аъзоларидан В. Кислицин, Д. Чутаев, Ю. Ананьевлар пойдеворга бетон ётқизиш учун қолип тайёрлашса, бошқалари тайёр бўлган қолипларни бетон қоришмаси билан тўлдиришмоқда.

А. Каретин бошлиқ бригаданинг мусобақадоши А. Горлов раҳбарлигидаги бригада аъзолари ҳам шу объектда меҳнат қилаяпти. Икки бригаданинг ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиши натижасида, қатор муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳал қилувчи йилнинг ярим йилини ҳам коллективлар яхши кўрсаткичларга эришиш билан якунлашди.

Объектни ўз вақтида бетон қоришмаси билан таъминлашда «Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармасига қарашли биринчи автобазанинг серҳаракат шоферларидан А. Абдуқодиров Қ. Мирзаахмедов, Е. Шарипларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
бинокор.

⊙Редакцияга хат

БИРИНЧИ МАОШ

НЕГАДИР, бугун Мавлуда ишдан ҳаяллаб қолди. Нима бўлдийкин? Бундай одати йўқ эдику.

Машкура опа шу хаёлда экан, кўча эшиги очилиб, қўлида қоғозга ўралган бир нималар кўтарган Мавлуда кириб келди. Қизининг чеҳрасидаги табассум, кўзларидаги қувончни кўриб онанинг ташвиши тарқалди. Шундай бўлса ҳам у:

— Ҳа, тинчликми, қизим? — деб сўради.

— Тинчлик, ойижон. Маош олгандим. Уртоқларим билан магазинга кирдик.

Мавлуда ўроғлиқ қоғозлардан бирини очиб, аввал бувисининг олдига борди. Уни қучоқлаб икки юзидан ўпди. Қўлидаги кийимликни узатар экан:

— Бувижон, арзимас бўлса ҳам сизга мендан совға, — деди.

— Вой умрингдан барака топкур-э, —севинчдан Инобат бувининг кўзларига ёш қалқди, — ишлаб бизларга совға олиб келадиган ҳам бўлибди-я, болагинам. Ақлли қизгинам! Инобат буви невараснни узоқ дуо қилди.

Бир севинчига ўн севинч қўшилган Мавлуда ойисига рўмол, дадасига авторучка, опасига атир, укаларига қўғирчоқ, коптокчалар ҳам ҳадя қилди.

— Узинггачи, қизим? — сўради меҳр билан боқиб турган Машкура опа.

— Кейинги маошимдан оларман ўзимга, ойижон. Дарсликлар, ўқув қуроллари олмоқчиман, — жавоб берди Мавлуда.

Оила аъзоларининг севинчи беҳад эди. Биринчидан, кичкинагина ўқувчи деб ўйлаганлари Мавлуданинг қўлидан иш келадиган катта қиз бўлиб қолганини кўриб севинсалар, иккинчидан, унинг ақлли, зийраклигидан, меҳрибончилигидан қувонишарди. Ахир, ҳеч ким Мавлудадан «Биринчи маошингни нима қиласан?» деб сўрамаган ҳам, «уни уйдагиларга харжла» деб айтмаган ҳам эди-да.

Мавлуда эса «Арзимаган нарсага ҳам шунчалик хурсанд бўлишади-я», — деб ўйлар, бошқаларнинг севинганидан ўзи ҳам севинар эди.

Дугоналари Ҳимоят Набиева, Зуҳра Аҳмедова, Сабоҳат Турсунова Доно Ҳакимова, Малоҳат Абдуллаева, Маҳтура Азизовалар ҳам биринчи маошларига оила аъзолари учун совға-саломлар олдилар. Дугоналар ўқитувчиларини ҳам унутишгани йўқ. Ахир улар ҳам ота-оналаридай тарбиячи мураббий, жонкуяр.

Бу қизлар ким? Улар Тошкентдаги Улуғбек номли 131-мактабнинг 9-синф ўқувчиларидир. Қизлар икки ҳафталик ўқув-ишлаб чиқариш практикасини бу йил пойтахтнинг 2-пойафзал фабрикасида ўтказдилар. Улар пойафзални санаш, қирқиш, тасма ўрнатиш, елимлаш каби ишларни бажаришади. Мастерлар, ишчилар жуда хушмуомала, иш эса жуда кўнгилли эди. Мана улар ишлаб, катталар қатори маош ҳам олишди.

Биринчи маош... Қизлар бу пулларни нималарга сарфлашни бирбирларидан сўрашганларида, ҳеч ким «Ўзим учун» демади. Ҳамма биринчи галда оила аъзоларини, яқин одамларини ўйлади.

Биринчи маош... Биринчи совға... Биринчи меҳр-эътибор... Биринчи қадамингизданоқ саховатли қалбингизни кўрсатдингиз, қизлар. Ҳали олдингизда одимлар, одамларга берадиган саховатингиз беҳисоб.

Н. АҲМАДЖОНОВА.

◆Саволларингизга жавоб берамиз

Инвалидлик группаси белгиланмаганда ҳақ тўлаш

«Ҳурматли редакция!
Мен яқинда иш пайтида жароҳатланиш натижасида меҳнат қобилиятимнинг маълум қисмини йўқотдим. Аммо менга инвалидлик группаси белгиланмади. Бундай ҳолларда муассаса етказилган зарар учун ҳақ тўлайдими?
С. РАҲИМОВ, токарь».

Иш жараёнида соғлиғининг бир қисмини йўқотган ёки жароҳатланган ишчига инвалидлик группаси белгиланмаса-да, у етказилган зарар учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айрим ҳолларда ишчи жароҳатланиб, соғлиғига қисман путур етгандан кейин меҳнатга бўлган лаёқатини умуман сақлаб қолади, фақат профессионал меҳнат лаёқатигагина путур етади. Шунинг учун ҳам, бундай ҳолларда ишчига инвалидлик группаси белгиланмайди.

Масалан, 6-разрядли токарь иш пайтида жароҳатланиш натижасида профессионал меҳнат лаёқатининг 30 процентини йўқотди, дейлик. Шу сабабли, у жароҳатланишгача бўлган даврдаги сингари мураккаб операцияларни бажара олмай қолди. Натижада унинг иш ҳақи камайди; инвалидлик группаси эса белгиланмади.

Бундай ҳолларда муассаса ишчига жароҳатланишгача бўлган даврда олган ўртача иш ҳақининг 30 проценти миқдорида ҳақ тўлаши лозим. Бунда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, жароҳатлангандан кейин олинадиган иш ҳақи ва зарарни қоплаш учун тўпланадиган ҳақ биргаликда қўшиб ҳисоблангандэ ишчининг жароҳатланмасдан бурун оладиган маошидан ошмаслиги керак.

ҚОВУННИНГ ЯНГИ НАВИ „ДЎСТЛИК“ ДЕБ АТАЛАДИ

Ўзбекистон полизларида кўпайтириш учун мўлжалланган бу ғалати қовун навига «Дўстлик» деб ном берилди. Қовуннинг бу навини Тошкент атрофидаги «Москва» сабзавотчилик совхозининг тажрибакор селекциячилари жайдари «Босволди» қовунини Россия қовуни билан чатиштириш натижасида етиштирдилар. Дурагай қовуннинг уруғлари саратон офтобида 40 градус ҳароратда 5—6 кун чиниқтирилди. Офтоб еган бундай уруғни эрта баҳорда, бошқа қовунлардан ярим ой олдин экиш мумкин. «Дўстлик» қовунининг ҳар бир гектари 12 тоннага яқин ҳосил беради. Бу майдондан икки ойгача ҳосил олиб туриш мумкин. Бу хушбўй қовуннинг таркибидаги шакар бошқа қовундагиларга нисбатан 5—6 процент кўп.

Ҳозир совхоз полизларида қовунлар йиғиштириб олинмоқда ва Москва областида экиб кўпайтириш учун унинг уруғи тайёрланмоқда. Тошкент атрофида етиштирилган «Дўстлик» қовуни шимолликларнинг қовун навларини ва хилларини яхшилашга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

●Ёз—ўтмоқда соз

ОРОМГОҲ БАҒРИДА

Шаҳримиздаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида «Тўлқин» пионерлар лагери жойлашган. Лагерда шаҳар мактабларининг ўқувчилари ёзги каникулни гаштли ва сермазмун ўтказаётирлар. Шу оромгоҳда бўлиб, лагерь бошлиғи Николай Иванович Ферцалов билан суҳбатлашдик:

—Лагеримиз «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти қошида ташкил этилган бўлиб, бу ерда пионерларнинг ҳар томонлама кўнгил очишларига барча қулайликлар яратилган.

Дарҳақиқат, лагерда ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Бетон ойнавандли чўмилиш майдони, махсус зал, ошхона, кийимхона, тренерлар хонаси, кутубхона, ўқиш зали улар хизматида.

Пионерларнинг мароқли дам олишлари, экскурсияга чиқишлари, сборлар, мусобақалар, ўтказишларида М. Яшнов, Л. Белкин, В. Медюлянов, И. Тимофеев сингари тарбиячилар ва тренерларнинг хизматлари катта бўлаётир.

Қ. МАЛИКОВ.

СУРАТДА: «Стройиндустрия»га қарашли 1-ремонт-механика заводи механика цехининг бир группа ишчилари тушки дам олиш вақтида.
М. Нуриддинов фотолари.

◎ САНЪАТКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Истеъдод

Санъаткорлар жуда нозик ва мураккаб касб эгаларидир. Ахир, саҳнада турли ҳолатларга кириб, томошабинлар қалбига севинч ёки қайғу, ачиниш ёки ғазаб, кулги ёки нафрат бахш этаолганларнинг касбини мураккаб демай бўладими? Санъаткор деган шарафли ном кишига жуда катта масъулият юклайди.

...Қоп-қоронғи томоша залида жимлик. Саҳнада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасида акс эттирилган ҳаётий манзаралар, ўзбек бой-феодаллари ва деҳқонларининг ўтмишдаги ҳаёти жонланиб, томошабинлар кўз ўнгидан бирма-бир ўтмоқда.

Гулбаҳор — бойнинг қўл остида қаттиқ эзилган, хўрланган, ўтмишдаги жиркançурф одатларининг қурбони бўлган мазлума аёл. Боласининг ўлимидан сўнг қаттиқ азоб-уқубат ва изтироблар остида эзилиб, телбанамо қиёфага тушиб қолган мазлума она қўлида чақалоқ йўргаги. У йўргакни қўярга жой тополмай ҳовлининг гоҳ у бурчагига, гоҳ бу бурчагига югуради. Унинг шу тобдаги ҳолати худди боласини қандайдир душман ҳамласидан қутқармоқчи бўлган муштипар она қиёфасини она фарзандини эркалай, уйғониб кетишидан ҳадиксираб, секин-аста кўрпача устига ётқизади. Оҳ, шўрлик она қай кўз билан кўрсинки, боласи йўқ, кўрпача устида қуруқ йўргакдан бўлак ҳеч нарса кўринмайди. У атрофга олазарак қарайди, боласини, ҳаётини излайди, лекин тополмайди. Юрак-бағри қонга тўлган, онанинг нияти, орзу-умиди пучга чиқади. Жамила тили билан айтганда, «карвонидан айрилган бўтадек бўзлайди шўрлик Гулбаҳор». У Жамилани бағрига босиб, унга қалб дардини, юрак ҳасратини, қайғу-аламини шундай изҳор қилади: «Жамила, қара, атроф баҳор гул, япроқ. Ёлғиз менинг баҳорим тугади, хазон бўлди... Эй, дунё! Ғариб ёш бошимга шунча кулфатларни солдингми?» Юракдан отилиб чиққан бу нидо томошабинни қаттиқ ҳаяжонга солади, унда золим ва шафқатсиз бойга, қотил ва молпараст Хонзодага нисбатан нафрат ва ғазаб ўтини уйғотади.

Томошабин кўз олдида ана шундай фожиали мураккаб образни яратиб, унинг олқишига сазовор бўлган санъаткор ким дерсиз? Бу ажойиб қалб эгаси, Ҳамза номли отахон театрда ўн йилдан буён ишлаб келаётган, яратган жозибали образлари билан санъатсеварлар эътиборини, ҳурматини қозонган ёш истеъдодли актриса Римма Аҳмедовадир.

Актриса Р. Аҳмедова яратган Гулбаҳор томошабинлар қалбидан чуқур ўрин олган теран образлардан биридир. Биз отахон театр саҳнасида Р. Аҳмедова яратган ана шу хилдаги ажойиб образларни кўплаб учратишимиз мумкин. Масалан, Уйғуннинг «Парвоз» драмасидаги шахсиятпараст, худбин раис Мамасолиев томонидан севгиси топталган, орзу-умидлари паймол қилинган қиз — Санамжон образи фикримизнинг далилидир. Алижон билан Санам бир-бирларини қаттиқ севадилар. Лекин бу покиза, самимий муҳаббат колхоз раиси — разил, шафқатсиз, ўз нафси йўлида ҳатто кишиларни қурбон қилишгача бориб етувчи Мамасолиев оёқлари остида топталади. Асар давомида Санам Мамасолиевнинг қийноқ-азобларига дуч келади, юрак-бағри тилкаланади. Лекин драманинг туганиш қисмида Санам Мамасолиевнинг қилган жиноятларини фош қилади ва ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларни фаҳмлаб, халққа шундай деб мурожаат қилади: «Одамлар, дугоналарим, эҳтиёт бўлинг, ёмонларга зинҳор йўл берманг. Агар мен бу золимнинг дўқларидан қўрқмаганимда, баъзилар ўзларини четга тортмаганларида, ўзларини билиб турив билмасликка солмаганларида, эҳтимол менинг ҳаётимда рўй берган бу фожиа юз бермаган бўларди. Нима қилай, бағрим ҳамон ёнади. Мен бу жиноятчи ситамкорга қаттиқ жазо берилишини қатъий, қатъий талаб қиламан». Бу сўзлар унинг юрагидан шундай ҳаяжон ва алам билан отилиб чиқадики, томошабин бу саҳнада лоқайд ва бефарқ қарай олмайди. Санъаткор маҳорати олқишга сазовор бўлади.

Р. Аҳмедова «Тарих тилга кирди»даги Таниоз, «Самандар»даги Нафиса, «Парвона»даги Назокат ва Юлдуз, «Ажал минораси»даги маккор ва ҳийлагар қиролича Маргарита образларини ҳам аниқ ва ишонарли қилиб яратган. Актриса бу образларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ва белгиларни топа олган.

Биз истеъдодли актриса Р. Аҳмедованинг келгуси ижодий ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Фарҳод ФАЙЗИЕВ.

Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти студенти.

Ёшлар ленинча тинчлик йўлини маъқулламоқдалар

«Молодая гвардия» нашриёти «Ёшлар ленинча тинчлик йўлини маъқулламоқдалар ва актив қўллаб-қувватламоқдалар» деган суратли нашрни босмадан чиқарди. Нашрга киритилган ҳужжатлар, халқаро воқеалар хроникасидан олинган фактлар, фотосуратлар КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан тинчлик программасининг амалга оширилиши тўғрисида, совет ёшлари, Ленин комсомоли партия ишига ғоят содиқлиги ҳақида, планетадаги тараққийпарвар ёшлар КПСС-нинг тинчликсевар сиёсатини астойдил маъқуллаётганлиги тўғрисида ҳиқоя қилади.

(ТАСС).

МАКТАБНИ ТАМОМЛАБ—КОЛХОЗГА

Грузиянинг баланд тоғда жойлашган Бомарети қишлоқ ўрта мактабини битириб чиқувчилар етуклик аттестати билан бирга машинист-тракторчи гувоҳномасини ҳам олдилар. Кўпгина йигит-қизлар ишлагани Калинин номли маҳаллий колхозда қолдилар, қолганлари комсомол йўлланмаси билан ишлаш учун яқин қишлоқлардаги колхоз, совхозларга борадилар.

Республикадаги 120 та қишлоқ ўрта умумий таълим мактабларида йигит-қизлар трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ҳайдашга ўргатилмоқда, Агротехника, чорвачилик, чорвачилик фермаларини механизациялаштириш асослари билан таништирилмоқда. Янги ўқув йилида 60 та қишлоқ мактабида ана шундай таълим жорий этилади.

Тўққизинчи беш йиллик охиригача республикада шундай мактаблар сони 400 тага етказилади.

(ТАСС).



Республика амалий санъат музейи халқимизнинг асрлар давомида яратган ноёб санъати намуналари сақланадиган ажойиб хазинадир. Ҳамшаҳарларимиз ва чет эллик меҳмонлар каштачилик, ганчкорлик, ёғочга нақш ўйиш, зардўзлик каби амалий санъат турларига оид асарларни мароқ билан томоша қиладилар.

СУРАТДА: музей залларидан бирида.

М. Нуриддинов фотоси.

„Оловли ёй“ бўйлаб агитпоход

КАРОЧИ. (Белгород области). Байроқлар ва транспарантлар билан безатилган енгил автомашина ва автобуслар колоннаси Карочидан чиқди. Курск жангида эришилган ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб «Оловли ёй» бўйлаб ўтказиладиган агитпоход шу ердан бошланди. Бу агитпоходда мамлакат нинг турли томонларидан келган жанг ветеранлари иштирок этмоқда.

Автопоезд жўнаб кетиш олдидан митинг бўлиб ўтди.

Поход беш кун давом этади. Жами узунлиги қарийб 500 километр келадиган унинг маршрути шиддатли жанглар бўлган шаҳар ва қишлоқлар орқали ўтади

(ТАСС).

„Лола“—мамлакатнинг энг яхши театри

АНДИЖОННИНГ «ЛОЛА» ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ МАМЛАКАТНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТЕАТРИ ДЕБ ТОПИЛДИ. У БОЛАЛАР ТЕАТРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КУРИГИДА БИРИНЧИ УРИННИ ОЛДИ.

...Театрда телефон қўнғироқлари анчагача жавобсиз қолаверди. Кейин телефон трубкасини дурадгорлар, шофёрлар ва бошқа бинокор ишчилар олишди. — Булар Андижонда энг яхши бинолардан бири ҳисобланган ва қўғирчоқ театрига бериб қўйилган «Искра» кинотеатрини ремонт қилаётган кишилар эди. Лекин актёрлар ҳам дам олаётгани йўқ эди. Улар бу хушхабарни Андижондан анча узоқдаги жойда эшитдилар. Чунки ҳозир театр труппаси гастроль билан юрибди. Ҳар йили ёзда театрнинг Фарғона водийсидаги колхоз ва совхозларга гастроль қилиб бориши одат бўлиб қолган. Ҳозир ҳам «Лола» артистларини ёш болалар боғчаларида ва пионер лагерларида кўриш мумкин. Улар баъзан далаларнинг қоқ ўртасида чодир қўйиб ҳам ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

«Лола»нинг ёши ўз томошабинларининг кўпларига қараганда ҳали кичик. Театр биринчи марта ўз пардасини кўтарганига эндигина беш йил бўлди. Ўшанда ўзининг биринчи спектакли «Алпомиш»ни томошабинларга тақдим этган эди. Ҳозир ҳам шу пьеса кўрсатилганда зал томошабинлар билан лиқ тўла бўлади. Аммо энди бош ролларни бошқа қўғирчоқлар «ижро этмоқда». Премьерада қатнашган қўғирчоқлар эса ҳозир Москвадаги машҳур С. Образцов раҳбарлигидаги болалар театри музейининг кўринарли еридан жой олган.

«Лола»нинг биринчи спектаклиёқ муваффақиятли ўтган эди. Орадан бир ярим йил ўтгач, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон қўғирчоқ театрларининг Тошкентдаги биринчи фестивалида у ўзининг янгилиги ва ижодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этганлиги билан жюри ҳайъати аъзоларини мафтун этди. «Алпомиш» фестивалда энг яхши спектакль деб топилди. Шундан сўнг спектакль қатнашчилари бўлган қўғирчоқлар Москвадаги музейга таклиф «қилинди».

— Диққатга сазовор бўлган нарса шуки, дейди театрнинг бош режиссёри Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Владимир Сергеевич Иогельсен, — ўша вақтда бизнинг труппамизда, қўғирчоқбошликни касб қилиб олган актёрлар кўп эмас эди. Чунки бизнинг коллектив ҳаваскорлардан иборат эди. Булар орасида ишчи Саломатхон Абдижалилова, электрик Борис Лебедев, Совет Армияси сафидан бўшаб келган Эргаш Нурматов ва Александр Айсин, яқиндагина мактабни тамомлаб чиққан Людмила Никольская, Любовь Айсина сингари талантли ёшлар оз эмас эди.

Ҳозир «Лола» труппасида ўн саккиз нафар актёр бор. Улар ҳар ойда юздан ортиқ спектакль беришга ва ҳар йил олтита премьера тайёрлаб, болаларни хурсанд қилишга қодир.

«Лола» ўз томошабинларига нималарни ҳикоя қилади? Яқинда биз андижонлик журналист Рубен Сафаровнинг пьесаси асосида «Тошкент-66» деган спектаклнинг премьерасини тақдим этдик. Бу спектаклда қўғирчоқлар зилзила вайрон қилган Тошкентни қайта тиклаш ишларига бутун мамлакат қандай ёрдамлашганлиги тўғрисида болаларга эртакни, чиройли афсонани эмас, балки мавжуд гўзал ҳақиқатни ҳикоя қилиб берди.

«Лола»нинг ёрдами билан болалар кўпгина янги ва яхши танишлар орттиришди. Булар орасида поляк ёзувчиси Збигнев Поправскийнинг «Мушукча» спектаклидаги, болгар драматурги Панчо Манчевнинг «Қуёнлар мактаби» спектаклидаги қаҳрамонлар ҳам бор. Венгер драматурглари Т. Шандор билан Э. Тотнинг «Чиличала тоғанинг мўъжизалари» деган спектаклида ўзи катталарга кўринмаса ҳам, аммо болаларга кўмакдошлик қилувчи Чили-чала тоға болаларнинг энг яқин дўстларидан бири бўлиб қолди.

Ҳозир «Лола» янги мавсумга тайёрланмоқда. Театр ўз томошабинларини хилма-хил ва сермазмун спектакллар билан хушнуд қилмоқчи. Булар орасида москвалик ёзувчи К. Тихомировнинг пьесаси асосида тайёрланган «Бола» спектакли, болаларга ёқиб қолган «Алпомиш» спектакли ва бошқа кўпгина спектакллар бор.

Ю. ЮДИН.
ЎзТАГ мухбири.

ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАРИ БЎЛГАН БИЛИМ ЮРТИ

«Мени ҳунар-техника билим юртига қабул қилишингизни сўрайман». Рязань областидаги меҳнат резервларининг ўқув юртларига юзлаб мана шундай аризалар тушди. Аммо учинчи билим юртининг директори Л. А. Владимир шундай аризалардан бирини алоҳида мамнуният билан қабул қилди. Бу ариза га уч опа-сингил Софриналар қўл қўйган эди. Уларнинг кичиги Катя ўқишга кираётган бўлса ҳам аммо унинг опалари. илғор ишчилар Люба билан Таня, синглимизни бизнинг касбимизни ўргатиб мутахассис қиладиган группага албатта қабул қилишингизни сўраймиз деб илтимос қилганлар.

Рязандаги учинчи қурилиш ҳунар-техника билим юртини «оилавий традициялари бўлган билим юрти» дейишади. Опа-сингил, ака-ука Фомичевалар, Кондраковлар, Гороховлар, Максимовлар—хуллас, 50 нафар ишчи сулоласи мана шу билим юртида бошланди.

(ТАСС).

РЕКОРД ПАРВОЗЛАР

Синовчи учувчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. П. Федотов учта янги жаҳон рекорди қўйди. Оммавий равишда ишлаб чиқарилаётган «Е—266» самолётида у 36240 метр баландликка кўтарилди. Ҳали биронта самолёт бунчалик баланд парвоз қилмаган эди.

«Е—266» ичига юк жойлаб училганида приборлар иккита бошқа рекорд қўйилганлигини қайд қилди. А. В. Федотов бир тонна ва икки тонна юк билан 35200 метр баландликка кўтарилди. Шу тариқа ўзи 1967 йилда қўйган рекорддан 5 минг метр ошиб кетди.

Ана шу учала натижанинг ҳаммаси расмий жаҳон рекордларидан ортиқдир.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Васильевич Федотов реактив самолётларни бошқариб, кўп марталаб катта натижаларга эришди. 1961 йилда у «Е—166» самолётида юз километрли бекик фаза бўйлаб учишда соатига 2.401 километр йўл босиб, тез учишда абсолют жаҳон рекордини қўйган эди. Бу ютуқ учун Халқаро авиация федерацияси уни Де Ля Во номли медаль билан мукофотлади.

Орадан ўн икки йил ўтгач, бу рекорд соатига 2605,1 километрга етказилди. Бу рекордни ҳам яна А. В. Федотов қўйди.

1965 йилда А. В. Федотов бошқарган «Е—266» самолёти ичида икки тонна юки билан бекик 1000 километрли маршрут бўйлаб 21 — 22 километр баландликда учганида, соатига ўрта ҳисобда 2.319. 12 километр» тезликка эришди. Бу — синовчи учувчининг навбатдаги рекорди бўлди.

Куни кеча эришилган янги ютуқлар эса, совет учувчисининг ажойиб жасоратини ва Артем Иванович Микоян номли тажриба — конструкторлик бюросида яратилган «Е—266» самолётининг аъло сифатларини яна бир карра намойиш қилди.

А. В. Федотов парвозларига доир материаллар расмий жаҳон рекордлари сифатида рўйхатга олиш учун Халқаро авиация федерациясига юборилади.

Жаҳон ойнаси

◎ *Социализм мамлакатларида*

Острава металлурглари биринчи сафда

ПРАГА. Остравадаги К. Готвальд номли «Нова гуть» металлургия комбинатининг коллективи Чехословакия заводлари ва фабрикаларида шу беш йилликда авж олиб кетган меҳнатни социалистик рационализациялаш» ҳаракатининг биринчи сафида бормоқда. Мамлакат қора металлургиясининг энг катта корхоналаридан бири бўлган бу комбинат металлурглари ҳар бир тонна металлни эритиш учун сарфланаётган кокс ва ёқилғининг ўртача миқдорини шу йил охиригача камайтириш мажбуриятини олган эдилар.

Шу йилнинг 6 ойи мобайнида комбинат ходимлари 22 минг тонна кокс ва 8 минг тонна ёқилғи тежаб, ўз мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Улар корхонанинг 15 миллион кронадан кўпроқ маблағини иқтисод қилдилар.

Коллектив аввало рационализаторлар ҳаракатини кенг авж олдириб юборганлиги учун ҳам ана шундай яхши кўрсаткичларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Ўтган ярим йилнинг ўзидагина комбинат рационализаторлари 1200 га яқин рационализаторлик таклифи киритдилар. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 25 процент кўп рационализаторлик таклифи киритилганлигини кўрсатди.

Ҳозир металлурглар йилига уч миллион тоннадан зиёдроқ пўлат эритиб бермоқдалар. Бу эса бутун буржуа Чехословакиясидаги заводларнинг иккинчи жаҳон урушига қадар ишлаб чиқарган пўлатидан анча кўп.

«Нова гуть» комбинати мамлакатнинг илғор корхоналаридан бири. Комбинат коллективи Чехословакия бешинчи беш йилликнинг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келмоқда. Комбинатга Чехословакия Компартиясининг 50 йиллиги корхонаси» деган фахрий унвон берилган.

АҚШДАГИ КУБА ВИСТАВКАСИ ТЎҒРИСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Бу ерда Монкада казармаси штурм қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб очилган «Экспо-Куба» виставкаси вақтинча ёпилди. Виставканинг ташкилот комитети у яқин вақт ичида ўз ишини давом эттиришини маълум қилди.

Маълумки, Куба экспозицияси Нью-Йорк марказидаги Мартин Лютер Кинг номидаги касаба союз маркази биносида жойлаштирилган эди. Озодлик оролининг халқи социалистик қурилишда эришган ютуқлар тўғрисида китоблар, фото суратлар ва ҳужжатли фильмлар орқали ҳаққоний ҳикоя қилиб бериш американликларда зўр қизиқиш туғдирди. Бу эса кубалик контрреволюцонерларнинг ғазабига ғазаб қўшди. Улар виставка ишига халақит бермоқ учун бир неча марта террористик ҳаракат уюштирдилар. Фашист безорилар 25 июлда касаба союз марказида бомба портлатиб, хизматчилардан бирини оғир ярадор қилдилар ва бинога жиддий моддий шикаст етказдилар.

(ТАСС).

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ВА ТИНЧЛИК УЧУН

БРЮССЕЛЬ. Бельгия Коммунистик партиясининг раиси Л. Ван Гейт «Драпо руж» редакцияси биносида журналистлар билан ўтказилган суҳбатда гапириб, СССР ва Польша Халқ Республикасининг Германия Федератив Республикаси билан шартномалар имзоланганлиги Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда жиддий бурилиш бўлди, деди.

Бу шартномалар имзолангандан кейин, деди Л. Ван Гейт, кескинликни юмшатиш тағин ҳам кучайтириб юборилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикаси, АҚШ ва Францияга қилган визитлари, шунингдек Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг биринчи босқичи Хельсинкида ўтказилганлиги кескинликнинг бундай юмшатилишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

(ТАСС).

МАШИНАСОЗЛИКНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

Силезиядаги Бельско-Бяла шаҳрида жуда қисқа муддатда халқ Польшаси машинасозлигининг янги маркази барпо этилди. Яқиндагина «ФИАТ-126 П» кичик литражли автомобилларнинг биринчи тажриба нусхалари завод майдончаларидан чиқиб кетди. Йил охиригача муассаса коллективи бу машиналарни серияли равишда ишлаб чиқара бошлайди.

СУРАТДА: бош конвейер цехида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

Поездлар қатнай бошлади

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг барча пўлат магистралларида пассажир ва товар поездлари ҳамма томонга мунтазам қатнайдиган бўлиб қолди. Урушда вайрон бўлган кўприклар поездлар қатновини йўлга қўйишга шу вақтгача асосий тўсиқ бўлиб келмоқда эди.

Матбуот хабарларига қараганда, кўприкларнинг ҳаммаси ҳозир тикланиб бўлди. Ханой ченкасидан ўтадиган Қизил дарё устидаги Лонгбиен кўприги («Аждаҳо кўприк») қайта тикланганлиги Вьетнам Демократик Республикасидаги ремонтчи бригадаларнинг энг катта ютуғи ҳисобланмоқда. Узунлиги икки километрдан зиёдроқ бўлган «Аждаҳо кўприк» бутун Ҳинди-Хитойдаги шу хилдаги иншоотларнинг энг каттаси ва чиройлиги ҳисобланади.

Тинчликнинг дастлабки 6 ойи мобайнида ремонтчи ва қурувчи бригадалар жуда яхши ишладилар. Бутун республикада 120 минг квадрат метр вокзал майдонлари, 30 минг квадрат метрдан зиёдроқ товар складлари қайта тикланиб, фойдаланишга топширилди.

(ТАСС).

ДЎСТЛАР КЎМАГИ

Малида тўрт йилдан буён қурғоқчилик ҳукм суради. Бунинг натижасида дон экинларининг ҳосили кескин камайиб кетди. Озиқ-овқат запасларининг тугаш хавфи туғилди. Республика ҳукумати ёрдам беришни сўраб дўстона давлатларга мурожаат қилди,

Совет Иттифоқи бу илтимосга биринчи бўлиб жавоб берди У Малига ғалла ва вақтинчалик фойдаланиш учун «АН — 12» транспорт самолётини юборди. Совет учувчилари икки ой давомида Бамакодан мамлакатнинг олисдаги районларига озиқ-овқат маҳсулотлари ташиди.

Бошқа социалистик мамлакатлар ҳам Малига озиқ-овқат жўнатишди. Яқинда Бамакога ГДР меҳнаткашлари томонидан Мали халқига совға қилинган озиқ-овқатлар ортилган самолётлар қўнди.

Шундай қилиб дўстлар Мали Республикаси учун қийин бўлган кунларда дарҳол ёрдамга келишди.

Ю. ВЛАДИМИРОВ,
АПН мухбири.

Бомако.

АФРИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ КУНИ

ЛОМЕ. Того хотин-қизлар миллий иттифоқининг раиси Жизель Жондо ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди: «Того хотин-қизлари Африка хотин-қизлари кунини байрам қилиш арафасида мустамлакачилик зулми остида азоб чекиб ётган африкалик опа-сингиллари билан тўла бирдам эканликларини билдирадилар, ҳамда апартеид ва ирқий камситишнинг бошқа формаларини қаттиқ қоралайдилар».

«Бизнинг ташкилотимиз, — деди Ж. Жондо, — Африка хотин-қизлари кунини Ломе кўчалари бўйлаб байрамона юриш билан, бир қанча конференциялар ва семинарлар ўтказиш билан, халқ рақс ансамблларининг концертлари билан нишонлайди».

Того хотин-қизлар миллий иттифоқи хотин-қизларга жамиятда ўз ўрнини топишга, мамлакатнинг иқтисодий ҳамда социал ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишга ёрдам беришга қаратилган, деб таъкидлади Того хотин-қизлар миллий иттифоқининг раиси.

Испаниянинг темир панжаралари орқасида

Англияда чиқаётган «Морнинг стар» газетаси Р. Расселнинг Испания қамоқхоналаридаги қийноқлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақоласини босиб чиқарди.

Новости матбуот агентлиги шу мақолани баъзи қисқартиришлар билан газетхонлар эътиборига ҳавола қилади.

Испанияда 1 Майни байрам қилиш кунларида қамалган маҳбусларнинг шафқатсиз қийноқларга дучор қилинаётгани ҳақидаги хабар жаҳон матбуотида тарқалди. Ўшанда бутун мамлакат бўйлаб репрессия авж олди, Валенсия, Вальядолид, Севилья, Канар оролларида прогрессив арбоблар қамоқхоналарга ташланди.

Мадридда қамалган 145 кишининг 80 нафардан кўпроғи ҳали ҳам қамоқда. Ишчилар ҳаракатининг танилган активларидан Транкилино Санчес, Весенте Ламазарес ва Мануэл Галанни «ишлаб чиқаришда низо чиқариш ва иш ташлашни ташкил этишда» айблаб, айниқса шафқатсиз қийнадилар.

Қийноққа дучор қилинган маҳбуслар орасида хотин-қизлар бор. 17 яшар Палом дель Нойо деган қизни эсини йўқотгунча калтакладилар. Петр де ла Торре деган қизни эса шунчалик уришдики, уни руҳий касалхонага юборишга тўғри келди.

Бир маҳбуснинг оёқларини майда-майда бўлиб кетгунча темир билан урдилар. 13 яшар бир ўғил болани қамоқхонадан чиқариб юбораётганларида бутун баданн мўматалоқ бўлиб кетганлигидан замбилга солиб чиқаришга тўғри келди.

Қамоқхона назоратчилари шунчалик йиртқичлик қилишдики, ҳатто, «жамоат тартибини сақлаш» билан шуғулланувчи махсус трибунал президенти Марискал де Ганте маҳбусларнинг соғлигини расмий текширишдан ўтказишни таклиф этди.

Қамоқхона маъмурлари маҳбусларни қамоқхонада бўлаётган ваҳшийликлар ҳақида мамлакат жамоатчилигини хабардор қилиш мақсадида салгина уринганлиги учун ҳам таъқиб қиладилар. Мисол учун, Бильбаодаги қамоқхонадаги 45 маҳбус ўзларининг заҳ ва ифлос зиндонда ётганликлари ҳамда энг оддий медицина ёрдамидан маҳрум қилинганлари ҳақида биргаликда ариза ёзиб эркинликка узатганликлари учун якка камераларга ўтказилдилар.

(«Морнинг стар» —АПН)

ОҚ ИЛОН, ОППОҚ ИЛОН

Илонлар оламида

Сўна, ари, қорақурт ва чаён — барчи газанда. Аммо илонларнинг аксарияти заҳарсиз, баъзилари эса мутлақо беозор мавжудотлардир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ер юзида 2500 тачя турли хил илонлар рўйхатга олинган. Улардан фақат 410 таси заҳарли экан. Иттифоқимизда 56 хил илон яшайди. Шулардан 10 таси заҳарлидир. Узбекистонда эса 20 хил ранго-ранг илонлар мавжуд. Улардан атиги 5—6 таси ҳаёт учун хавфлидир.

Илон заҳарлими, заҳарсизми, каттами, қичкими, оқми-қорами, барибир кишини шошилтириб қўяди, ларзага солади. Орамизда илонни кўрганда ҳангу манг бўлиб қолмайдиган киши йўқ эмас. Эсингизда бўлса керак, Кононь Доил ўзининг бир ҳикоясида илон билан боғлиқ жиноий ҳодисани жуда ўхшатиб ёзган.

Заҳарсиз-у аммо...

Узи заҳарсизу аммо кишига даф қиладиган, ўраб, бўғиб сўнг ютиб юборадиган питон, удав ва аждаҳосимон анакондалар бор. Улардан баъзиларининг бўйи 8, 10 ва ҳаттоки 12 метрдан ҳам зиёд бўлади. Олимларнинг ақидаларича, заҳарсиз илонларга табиат куч ва шунга яраша ҳаракат, шижоат ато этган. Удав (бўғма илон) ва питон шиддат билан ўлжасига ташланади-да, катта кучли жағларини очиб, бечорани тириклайин ютиб юборади. Агарда ўлжаси йириқроқ (одам, қўй, эчки, кийик, тўнғиз) бўлса, унинг гавдасини зудлик билан 2—3 ўраб олади-да, кучли гавдаси билан қисиб, суяқларини мажағлаб юборади, сўнг бемайлихотир ютa бошлайди.

Питон, удав билан ўйин кўрсатадиган сеҳргарлар, найрангбозлар бир-икки ўралишга йўл қўядилар, уёғига эҳтиёт бўлиб турадилар. Удавнинг думини босиб ёки ўрамига чап бериб, учинчи ҳалқага асло йўл қўймайдилар. Бу хил катта илонлар овқат талашиб бир-бирига ҳужум қилиши, рақибини ютиб юбориши ҳам мумкин. Баъзи бир катта илонлар одамхўр бўлиши мумкин. Покистонда, масалан, 8 яшар бола ўт ўриш учун далага кетганди. Ҳадеганда, боладан дарак бўлавермаган. Ота-она фарзандини ахтариб далага чиқишган. Ўт ўриладиган жойда баҳайбат бир илонни кўришган. Илонни ўлдириб, ичини қарашса, боласининг жасади кўринган. Утган асрда Бирмада ҳам бир катта илоннинг қорнидан бутун бошлиқ солдатнинг жасади чиққан.

Илон ўрганган овқатини баҳам кўради, кўзи ва тили билан амратади. Бир ҳайвонот боғида катта илон катагига овқат учун қоп-қора жўжа киргизиб юборишади. Илоннинг қорни очган бўлсада, бу жўжага у «илтифот» кўрсатмайди. Мутахассисларнинг фикрича, жўжа сариқ ўрнига қора рангда, бинобарин кўзқиничли кўринган. Улим комидан омон-эсон чиққан бу жониворни «омади келган жўжа», деб ҳамон асраб келишади, намойиш қилишади. Шу кунларда катта-катта питонлар ўтда-бетда қоровуллик вазифасини ўталптилар. Питонга рўбарў бўлиб қолганидан ўзи бехабар қолади, дод-фарёд солишга мажбур бўлади. Шу вақтда ёрдам учун шошилиниш иш кўриш керак бўлади. Акс ҳолда, ўгрининг вақтсоати битади. Гомер «Иллиада» китобида денгиздан чиққан илон бир йўла ота ва икки болани (ажоонлар) ўраб, бўғиб кетганини ҳикоя қилади.

Республикамизда заҳарсиз, узунлиги 1 метрча келадиган ўқ илон (Қаршн, Қизилқум, Шеробод), бўғма илон (Қизилқум, Қарши, Мирзачўл, Сурхондарё чўллари), кўр илон (Тежен, Мургоб чўллари), узунлиги бир, бир ярим метр келадиган сариқ ва чипор илонлар (Туркистон, Зарафшон, Кўҳитоғ олди қисмларида) яшайди. Улар калтакесак ва шунга ўхшаш судралиб юрувчи ҳашаротларнинг нусшандасидир. Чўллар ободонлашиб борар экан, эндиликда на илонлар, на ҳашаротларни топасиз.

Кони заҳар

Узбекистон территориясида асосан беш-олти заҳарли илонлар яшайди.

Кўлвор (грюза) илон, чарх илон (эфа), ва қора илон (гадюка) шу тонфали илонлар оиласига киради. Паллос бўш илони (қалқон тумшуқли) чиқиқроқ илонлар оиласига мансуб. дир. Кўзойнакли илон (кобра) эса аспидлар оиласининг ягона намунасидир.

Йирик ва йўғон кўлвор илоннинг узунлиги 190 сантиметр келади. Бу илон тухумхўр ва қушхўрдир. Кемирувчилар, калтакесаклар ва шунингдек, заҳарсиз майда илонлардан ҳам ҳазар қилмайди. Ҳовос, Самарқанд, Сурхондарё областининг тоғ ва тоғ этакларида, Нурота тоғ этакларидаги бедазор, полиз ва ўтлоқ ерларда кўпроқ учрайди. Баъзи авторлар (Ш. Эргашев, Н. Знёмуҳамедов) узунлиги 36 сантиметр келадиган кўлвор илонларни Туркистон тоғларининг тизмаси ва қуйи қисмида, Ҳисор тоғининг ён бағрида, Бойсун ва Дугоба атрофида учратишган. Бу илон апрель ойларидаёқ қишки уйқудан туради, июль ойида тухум қўяди. Тухумлар августнинг охирларида ёрилади. Агар қиш қишлигини қилмаса, кўлвор илон декабрь—январь ойларида ҳам дайдиб юраверади. Ёш ўсмирларни эсида бўлсинки, кўлвор илон дарахтларда, қуш инларида ҳам бўлади. Болаларни айни шу ерда чақиб олиши мумкин. Илон инга яқинлашса ёки ҳужум қилса, қушлар галаси додфарёд солади. Кўлвор илоннинг юқори жағида ўроқсимон жуфт тиши бор. Тишлар заҳарни баданга укол қилиб юборади. Заҳар эса илоннинг икки чаккасидаги безларда ишланади ва сақланади.

Чарх илон Сурхондарёнинг ўрмон-чўл қисмида, Амударё бўйларида, Боботоғ этакларида, Сайҳонда, Қарши чўлининг жанубий томонларида, Марказий Қизилқумда, Тахтакўпир, Чимбой ва Қораўзак районларида учрайди. Чарх илон калтакесак ва кемирувчилардан ташқари, чаён, минғоёқ, майда қушлар, бақа билан «тинччилик» қилади. Болачалари эса ҳар хил ҳашаротларни ейди. Чарх илоннинг узунлиги 10—12 сантиметр келади. Бир йўла 15 тагача болалаши мумкин. Илмий ходим Яҳё Давлатов қумда учрайдиган, узунлиги 70—85 сантиметр келадиган чарх илонларни қузатган. Олимнинг фикрича, бу илоннинг ён томонида тангачалари бўлади. Илон буралиб, айланиб ҳаракат қилса, тангачалар бир-бирига ишқаланиб овоз чиқаради. Бу штирлаш чарх товушини эслатади.

Қора илоннинг узунлиги 35—40 сантиметрга етади. Тошкент, Сирдарё областларида, Сирдарё қирғоқларида кўп учрайди. Бу илон Чимён, Каржантов, Бараж, Хумсон ва Угом тоғларида ҳам учраган. Март ойида уйғониб, августда 3 тадан 11 тагача тирик бола туғади Қора илондан аксарият уй ҳайвонлари зарар кўради. Узунлиги 75 сантиметр келадиган усти оч ёки кулранг паллас бўш илони ҳам от, қўй, эчки каби ҳайвонларнинг тумшуқ ёки оёқларини чақиб олади, қорвачиликка зарар етказади. Бу илон Орол денгизи қирғоқларида, Тянь-Шань тоғлари, Устюрт, Қизилқум, Фарғона тоғ этаклари, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари, Янгиер, Угом водийси ва Тошкент областида учрайди.

Қора илоннинг тишлари кавак бўлади. Илон чаққанда шу кавакдан заҳар чиқади, баданга ўтади.

Кўзойнакли илон (кобра) бошқа заҳарли илонларга қараганда ҳийла хавфлидир. Узунлиги 2 метргача етади (шоҳ кобраси 4—5 метр келади), думи узун, сурма ёки малларанг. Боботоғ этакларида, Сурхондарё адирларида, Оғалик (Самарқанд), Қарши чўлларида, Ҳисор тоғ бағриларида, Нурота, Қизилқумда учрайди. Бу илон кўрсичқон, каламуш ва бошқа кемирувчиларни қақшатади, ўшаларнинг уясида яшайди, қишлайди ҳам. Қишки уйқудан апрель ойининг бошларида туради, 12 тагача тухум қўяди, ўзи ғойиб бўлади. Тухумлар 70—75 кунлардан сўнг ёрилади. Кобра одам билан учрашиб қолса, қаддини 30—40 сантиметр кўтаради, бош ва бўйини йўғонлашади, қичқириб овоз чиқаради. Билингки, ҳамла қилади. Кобранинг нозик тишларида тарновсимон ариқчалар бўлади. Тишларганда заҳар шу тарновсимон ариқчалардан оқиб, баданга ўтиб кетади.

Ҳиндистон фокусчиларн кўпинча кўзойнакли илон билан турли томошалар намойиш қилишади. Бунинг бир қизиқ сири бор. Биринчидан, илон кўради, аммо қулоғи йўқ — эшитмайди. Бинобарин фокусчи найни уёқ-буёққа чалғитиб чалганда, илон ҳам калласини най томонга ликиллатиб қолаверади. Ташқаридан қараганда эса фокусчи илонни бамисоли авраётгандай туюлади.

Кобра тасодифан кутилмаган жойда: аравада, машинада ёки яна бирор бошқа ерда ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин. Мана бир омадсиз кобра ҳақида қисқагина қисса.

Жанубий африкалик Жон ван Арним ўз гаражининг эшигини очиб, машинасига ўтирмоқчи ҳам эдики, унга бирдан илон ҳужум қилиб қолди. Арним қўрқишга ҳам улгурмасдан, кобра унинг оёғини икки марта чақди-ю... қимирламай қотиб қолди. Гап шундаки, Арнимнинг ўнг оёғи пўлат протездан эди. Уни чаққан илон тишларини синдириб, жонидан айрилди. Худди шунингдек, эски кулбада бешикка чирмашган бир илон вафодор мушук томонидан ҳалок қилинганди.

Заҳарсиз илонлар бир-бирига ҳужум қилгандек, заҳарли илонлар ҳам бир-бири билан чиқиша олмайди. Қуйидаги мисол «Қўш қўчқорнинг бошн бир қозонда қайнамайдн» деган мақол ҳақ айтилганлигидан далолат беради.

Жанубий Америкадан келтирилган бир ярим метрли заҳарли илон симтўр қафасидан йўқ бўлиб қолди. Илонни бир неча кун қидиришди. Ниҳоят, ҳайвонот боғи ходимларидан бирининг диққатини тўр қафасдаги йўқолган илон билан бирга яшаган иккинчи илон ўзига тортди. У жуда семириб кетган эди. Илон синчиклаб текшириб кўрилганда, у ўз шеригини ютиб юборганлиги маълум бўлди. Бу икки илон ўн йил бир қафасда турган эди. Шундан кейин ҳайвонот боғида уруғчи илонларни эркак илонлардан ажратиб қўйиладиган бўлди.

Баҳор уйғонишида ўз уруғочиларн олдида қора илонлар ҳам ўзаро «жанжал» ёки муҳораба бошлаб қоладилар.

Афсоналардан — ҳақиқатга

Қадимий Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой ва Арабистонда аждаҳо билан боғлиқ ажабшумул воқеалар ва афсоналар жуда кўп. Масалан, Юнонистон медицинасининг пири Асклепий (Эскулап) илон чирмашган ҳассага таянган ҳолда тасвирланган. Қизи Гигия эса чап қўлида чашма ушлаган бўлиб, унда илоннинг сув ичаётгани кўрсатилган. Ҳозирги замон медицина рамзи чашмага ўралган илон — ўша Гигиядан олинган деган мулоҳазалар бор.

Шоҳ Митридат ва унинг шахсий шифокори Андромах ўлимга ҳукм қилинган жиноятчиларни турли заҳарли илонларга чақтиришган. Қайси илоннинг заҳари кучли ёки кучсиз, ким қачон ва қандай ўлим топади, билишган. Бу хил «тажриболар» билан бошқа даргоҳлар, шунингдек Миср маликаси гўзал Клеопатра ҳам қизиққан. Рим императори Августин билан бўлган муҳорабада Клеопатра мағлубиятга учрайди. Августинга асир тушмаслик ва хўрланмаслик учун ўлим истайди. У ўйлаб тўрмасдан ўзини кобрага чақтиради. Асоратсиз ва тил тортмай абадий кўз юмади.

Заҳар малик

Клеопатранн чаққан илон заҳарининг кучини билиш, тасаввур қилиш учун диққатингизни мана бу фактларга жалб қиламиз. Маълум миқдордаги кобра заҳари 81 та ит, 953 та каламуш, 1000 та қуён, 1390 та денгиз чўчқаси ёки 4166 та оқ сичқонни ҳалок қилади. Худди шунча миқдордаги шалдироқ илон заҳари 10 та заҳарсиз илон, 25 та ит, 25 та ҳўкиз, 60 от, 6000 та қуён, 8000 та каламуш, 2000 та сичқон ёки 300.000 та каптарни тил торттирмай ўлдиради. Я. Давлатов маълумотига кўра, чўчқа ва типратикон эса илон заҳарига чидамлидир. Бинобарин заҳар одамга ҳам, парранда-ю-даррандаларга ҳам бир хил таъсир қилавермайди. Илон заҳарига чидамсиз одамлар ва ҳайвонлар бўлганидек, унга қийла бардош бера олувчи организмлар ҳам бўлади (типратикон, чўчқа). Юрак ва буйраклар, нерв системаси, уларнинг мустаҳкамлиги, ёши, жинси, семиз, ориғлиги, қаерни ва қачон чақилиши каби ҳолатлар масалани ҳал қилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Ҳиндистонда ҳар йили қарийб 200 минг кишини илон чақади. Улардан, ўрта ҳисоб билан 15 мингтаси бевақт оламдан ўтади.

Дёмак, илон чаққан кишиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлавермайди. Ўлим 7—8 процентни ташкил қилади. Тошкент илмий тадқиқот муассасаларининг далилларига кўра, илон чаққанда ўлим 2—3 процентини ташкил этади, холос.

Кўзойнакли илон заҳари нервларга паралитик таъсир қилади, киши шол ҳолда оламдан ўтади. Қора илон, кўлвор илон ва чарх илонлар заҳари одам қонининн бузиб, эритиб юборади.

Бинобарин, кобра чақишидан ўлган Клеопатра бир зумда параличга учраган, юраги тўхтаб, ўлиб қолган. Қора илон, чарх илон, кўлвор илон қурбонларида қон состави бузилиб, эриб кетганлиги учун киши кислород танқислигига учраб, бамисоли бўғилиб, қийналиб ўлади. Шунинг учун ҳам Клеопатра кобра илонини танлаган.

Заҳарнинг ози — тарёқ

Шифокорлар қадимги даврлардаёқ илоннинг инсон сиҳат-саломатлиги учун нафи борлигини билганлар. Жумладан, Луқмон ҳаким, Буқрот ҳаким, Абу Али ибн Сино илон гўшти, шўрваси, толқонн ва заҳаридан даво истаганлар.

Кўҳна манбалардан маълум бўлишича, бир бемор узоқ вақтларгача ўз дардига шифо тополмайди. Манман деган ҳакимлар ҳам шифо ўлароқ муолижа топишолмайди.

Аммо бемор иттифоқо илон қусган қатиқни ичиб, ўз дардидан халос топади. Шунга ўхшаш иккинчи бир ривоятда бедаво дардга учраган бемор, ўзи бехабар, илон заҳар ташлаб кетган кўм-кўк гиёҳни еб дув-дув терлаган, иштаҳаси очилиб, овқатланган, сўнг узоқ ухлаб, ўрнидан енгил турган. Демак, илон заҳари овқат ва гиёҳлар орқали ҳам организмга кириши мумкин. Дарҳақиқат, орамизда сабзавот ва полиз экинларини ювиб емай, илон заҳаридан заҳарланган кишилар топилади. Улардан бири ёрилган қовунни тановвул қилиб, заҳарланган эди. Маълум бўлишича, қовун ёрилгача илон заҳар ташлаб кетган экан. Кўҳна ривоятларда келтирилишича, лайлак осмонга кўтарган илоннинг оғзидан томчилаган заҳар иттифоқо усти очиқ овқатга (сутга) тушган. Уни баҳам кўрган кишилар ўлим топишган. Шу нуқтаи назардан чўл ва тоғ-тошларда халқоф бўлиб ётган сув ҳам заҳарланган бўлиши мумкин. Айтишларича, бир овчи чўлда чанқаб қолибди. Овчининг елкасида ҳамроҳи — қуши турарди. Овчи бундоқ қараса, бир тепаликдан сув томчилаётган эмиш. Овчи «сўв йиғилсин» деб идиш қўйди ва бироз кутди. Энди ичаман деб сувни оғзига олиб борганда, қуш ғанотларини ёзиб, идишни уриб юборади, сув ерга сочилиб кетади. Бу ҳодиса яна бир марта такрорланганда сўнг овчининг тоқати тоқ бўлади, жаҳли чиқиб қушнинг калласини шартта узиб ташлайди, сабрсизлик билан тепага кўтарилади. Не кўз билан кўрсинки, сувда заҳарли илон ириб ва чириб ётганди.

Илон чаққанда баданга кирган заҳар тез ва кучли таъсир қилса, оғиз ва ошқозон, яъни овқат билан кирган заҳар кеч ва кучсиз таъсир қилади. Заҳар меъда шираси, ферментлар ва жигардан ўтиб, ўзини аввалги хусусиятларини йўқотади.

Илон заҳари ниҳоятда мураккаб бўлиб, органик ва анорганик моддалардан, ферментлардан ташкил топгандир. 80 дан ортиқ кимёвий бирикмаларнинг турлича йиғиндиси ўша илонга хос заҳар токсини (нейротоксин, кобротоксин, кротоксин) пайдо қилади. Илон чаққан жой шишади, қизаради, ачишиб оғрийди. Илон чаққан жойга тиргович қадалгандай сезилади. Бунинг устига токсинни характерига қараб, шол бўлиш аломатлари, ёки бўлмаса, бўғилиш белгилари қўшилади. Ҳар икки ҳолда ҳам нафас бўғилиши, юрак фаолиятининг бузилиши, бош айланиши, кўнгил айнаш, қусиш, оғизнинг қуриши, ҳароратнинг кўтарилиши ва шунга ўхшаш умумий ҳолатнинг ночор аҳволга тушиб қолиш каби бир қатор белгилари бирин-кетин намоён бўлаверади.

Илон чақса чаққан жойни юқорироғидан ип, каноп ёки бинт билан маҳкам боглаб қўйилади. Боғлаш муддати 1,5—2 соатдан ошмайди. Илон чаққан оёқ ёки қўлни ҳеч қимирлатмаслик керак. Шунда заҳарнинг лимфа орқали организмга тарқалиш хавфи бартараф бўлади. Илон тишларининг ўрни қаттиқ қисилади, қон чиқарилади. Тешиклар натталашади. Ана шундан сўнг сўриш ва яна сўриш керак бўлади. Етиб келган шифокор илон заҳарига қарши дорини эмлайди. (моновалент, поливалент) зардоб илон заҳари юборган ва шу тариқа ҳайвон қонида пайдо бўлган ҳимоявий доривор демакдир. Зардоб тарихи мана бундай: женевалик врач ва зоолог Жан Понто 1933 йил 5 майда ўзини бир йўла учта гадюкка чақтирганди. «Худди ўлимга ҳукм этилган кишидай сездим ўзимни» дейди олим. Жан Понто ўлмади, чунки у олдин ўзига илон заҳарига қарши зардоб эмлаганди. Илон чаққан кишининг аҳволи оғир бўлса, сўнгги жиддий муолижа қон қуйиш, қон алмаштириб юрак ва нафас фаолиятини тиклаш билан боғлиқдир.

Випротоксин деган дори илон заҳаридан тайёрланади. У кўп касалликлар: қон қуйилиши, томирдаги тўсқинликлар (тромбоз, эмболия) юрак мушакларининг емирилиши (миокард инфаркти), мушаклар тортилиши (қоқшол) тутқаноқ ва бошқа касалликларни даволашда қўлланилади. Випротоксиннинг ёг билан аралашмаси бод, бел ва оёқ оғриқларини даволашда ишлатилади. Илон заҳаридан тайёрланган сиворотка, юқорида айтганимиздек, илон чаққанда тери остига юборилади. Шунда заҳарланиш аломатлари чекланади.

Винералгин (Чехословакия) билан ревматизм ва асаб касалликларни даволанади. Моҳов касалини шалдироқ илон заҳари билан даволаш ишлари йўлга қўйилган. Қора илон, чинқироқ илонлар заҳари қонни ивитади, бинобарин қон оқишини тўхтатадиган дори (стивен, лебетокс, рептилаза препаратлари) сифатида ишлатилмоқда.

Тошкентдаги Вакцина ва зардоб илмий текшириш институти, Узбекистон ССР Фанлар академияси, биохимия лабораторияси, зоология ва паразитология институтининг илонхонасида олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида илон заҳари ва унинг шифобахш ҳосияти бирин-кетин ошкор бўлмоқда.

Илон заҳари туфайли давомли ва оғир дарддан мусаффо бўлган Ҳалима опа илон шаънига бирор яхши сўз айтмоқчи бўлди-ю, аммо нима дейишини билмай қолди. Уша институтларнинг илмий ходимларига табассумла бонди-да, «Раҳмат!» деди.

Дарҳақиқат, ёмон отлиқ илон ҳақида, бисотимизда «оқ илон,оппоқ илон»дан бошқа бирор арзигулиқ илиқ сўз йўқ экан.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ.
медицина фанлари кандидати,
М. МАЛИКОВ.
биология фанлари кандидати.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2|VIII да Самандар, 3|VIII да Парвона, 4|VIII да Имон.

Кино

2 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Ҳарбий йўл воқеалари— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (19.30, 20.45, 22.30).

Гроссмейстер — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кечқурун).

Дача — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КЎКЧА» (кечқурун), НАВОИЙ номли (17.20, 20.30).

Анжелика ва қирол (2 серия) — ҲАМЗА номли (кечқурун).

Тақиқланган ўйинлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кечқурун).

Килиманжаро қорлари— «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Гайдук Ангел саргузашти (2 серия) — КИРОВ номли.

Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Самовий саргузаштлар — «ХИВА».

3 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Дача — «СПУТНИК» (жуфт соатларда) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат қаримайди (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ҳур қизлар... (14.00, 19.00), Уч юз спартанлик (12.00, 17.00, 21.45) — «ЧАЙКА».

Дача; Омадли жентельменлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45).

Ҳарбий йўл воқеалари — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (10.40, 14.00, 17.20, 20.30).

Тақиқланган ўйинлар — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Килиманжаро қорлари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Оцеола — КИРОВ номли.

Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Самовий саргузаштлар—«ХИВА».

Телевизор

2 АВГУСТ
Пайшанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.35 «Қувноқ пионер ёзи». 19.05 Чолғу куйларидан концерт. 19.45 «Ахборот» информацион программаси. (рус тилида). 20.00 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! «Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили». Самарқандан олиб кўрсатилади. 20.30 Шеърият мухлисларига. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Алишер Навоий». Ҳамза номли ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли олиб кўрсатилади. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Алишер Навоий» спектаклининг давоми.

Иккинчи программа. **Москва кўрсатади.** 18.30 И. Гайди. Виолончель ва оркестр учун концерт. 19.00 «Қизил меҳмонхона». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! «Меҳнат вахтасида». (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Д. Шостакович асарларидан концерт. 23.45 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Тошкент янгиликлари. **Узбек тилида:** 19.10 «Доктор Абстинит тажрибалари». Бадиий фильм. 20.35 Реклама ва эълонлар. 20.45 Тошкент оперетта театри. 21.15 «Ёритади, аммо иситмайди». Телевизион спектакль. 2-қисм.

3 АВГУСТ
Жума

Биринчи порграмма. **Москва кўрсатади.** 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 «Қизил меҳмонхона». Телевизион бадиий фильм. 13.45 Эфирда «Молодость». 14.35 Индустрия — қишлоққа. 14.45 Костромск Академик касаба союзлар хорининг концерти. 15.15 «Шахмат мактаби». 15.45 Рус тили. 16.35 Кўрсатувлар программаси. 16.40 Янгиликлар. 16.50 «Тиканли қалъа». Кеп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 17.20 Рангли телевидение. Болалар учун. «Қувноқ қалам ва унинг дўстлари». 17.50 Ҳужжатли фильм. 18.00 «Жасорат». Курск жангининг 30 йиллиги. **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.35 «Стременка ва Макаронинг саргузаштлари». Кўп серияли мультипликацион фильмнинг 13-серияси. 18.40 Ўқувчилар учун. «Қувноқ пионер ёзи». Самарқанддан олиб кўрсатилади. 19.35 Андижон шаҳар «Ёшлик» магазини ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 20.05 «Ахборот» информацион программаси. 20.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Кўрпанангга қараб...» Телевизион постановка. 21.45 **КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга!** «Ўзбекистон кочегаркаси». 22.15 «Пахтакорларнинг янги марралари». Самарқанддан олиб кўрсатилади. **Москва кўрсатади.**

Иккинчи программа. **Тошкент кўрсатади.** 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.00 Болалар учун қўғирчоқ фильм. 11.30 «Дорбозлар». Бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 18.30 Рангли телевидение. От спорти бўйича СССР чемпионати. Москва ипподромидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 19.00 Ленинград телевидение студиясининг программаси. 19.30 «Анна Зегерс». Албий кўрсатув. 20.15 Рангли телевидение. Берлинда Х Бутунжаҳон ёшлари ва студентлари фестивали. 21.00 Футбол бўйича ўртоқлик учрашуви. «Динамо» (Берлин) — «Динамо» (Москва). Берлиндан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 22.45 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 23.15 СССР халқ артисти А. Иванов қуйлайди. 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 19.10 «Ўз қўшиқларингизни куйланг» (Фильм-конперт). 19.40 Балет кечаси (ўзбек тилида). 20.20 «Кераклн одам». Бадиий фильм.

Радио

2 АВГУСТ
Пайшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Москва. 19.20 Татар куйлари. 20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.45 «КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми материалларини ўрганамиз». «СССР Европада хавфсизлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам системасини барпо этиш учун курашда». Э. Сандалнен суҳбати (ўзбекча). 22.28 Танбур куйлари. 22.40 «Замондошларимиз» (ўзбекча). 23.10 Кечки концерт. 00.10 Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Москва. 19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). 19.30 Тошкент области меҳнаткашлари учун эшиттириш. «Социалистик мусобақа — муваффақиятлар гарови». 20.00 Шарқ халқлари қўшиқлари. 20.30 Ўзбекистон композиторларининг асарлари. 21.00 Қардош республикалар адабиёти. Ч. Айтматов. «Ўғил билан учрашув». Радиопостановка (рус ча),

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 Х. Тўхтасинов, Ҳ. Ниёзий. «Холисхон» музикали драмасининг монтажи,

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЛ ТЎПИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

„СТАРТ“ СТАДИОНИДА

(Новомосковская кўчаси, 16-уй)

ҚЎЛ ТЎПИ БЎЙИЧА
ИОРДАНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЭРКАКЛАР КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА
ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

2|VIII да — ИОРДАНИЯ — «СКИФ» (Тошкент).
3|VIII да — ИОРДАНИЯ — «СТАРТ» (Тошкент).
9|VIII да — ИОРДАНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА КОМАНДАСИ.

Ўйинлар кеч соат 7 да бошланади.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Қирғизистон ССРдаги Чўлпон ота қишлоғида болалар от спорти мактаби ташкил қилинди. Бу ерда жойлашган от заводи ёш спортчилар учун 40 от ажратди.

Мактабнинг ёш спортчилари малакали тренер раҳбарлигида отда юриш спорти билан шуғулланишади. Катта ёшдаги болалар эса от ўйинлари, спорт мусобақалари ўтказишади, тоққа сайрга чиқишади.

От спорти — Чўлпон ота ўқувчилари учун кўнгилли дам олиш тури ҳисобланади. Ёз давомида отда чопиш санъатини 120 дан ортиқ бола ўрганиб олади.

СЎРАТДА: Чўлпон ота қишлоғининг ёш чавандозлари сайрда.
И. Дронов фотоси. (АПН).

Бутуниттифоқ мусобақаси олдидан

Бухородa автомобиль кўп кураши бўйича ДОСААФ республика биринчилиги тугади. Фарғона командасининг шоферлари мусобақа программасини ҳаммадан яхши бажардилар. Бу команда юк ташийдиган ва енгил автомашиналарни фигурали ҳайдашда яхши натижалар кўрсатди. Улар мусобақанинг иккинчи турн—ёқилғини тежашда ҳам биринчи бўлдилар.

Бухоро спортчилари команда ҳисобида иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни олишди.

Енгил машиналар классида мусобақалашган андижонлик Д. Дудченко ва юк машиналари классида мусобақалашган фарғоналик А. Калантаров республика чемпионлари бўлишди. Автоклублар командалари ўртасидаги мусобақа алоҳида ўтказилди. Бу мусобақада ҳам фарғоналиклар биринчиликни олишди.

Энди республика биринчилигининг чемпионлари ва совриндорлари унчалик катта бўлмаган машқлардан сўнг Таллинда бўладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашадилар.

Зоналараро турнирда

Бразилиянинг Петрополис шаҳрида ўтаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионати зоналараро турнирининг олтинчи тури бўлиб ўтди. Бу тур яна югославиялик гроссмейстер Любоевичга ғалаба келтирди. У гроссмейстер Гортни мағлубиятга учратди. Бу турда яна икки шахматчи бир қадам илгарилади. Портиш—Хугени, Мекинг эса Решевскийни мағлубиятга учратди. Каган ўз дафтарига биринчи ютуқни қайд этди. Бу турда у Таннн ютди. Баясас — Керес, Смислов—Полугаевский, Георгиу—Савон, Ивков—Панно ўртасидаги ўйинлар эса дуранг натижа билан тугади.

Мусобақа ўтказилаётган «Петрополитано» клубига тўпланган томошабинлар айниқса бразилиялик гроссмейстер Мекингининг ҳар бир ўйинини синчковлик билан кузатиб боришяпти.

Олтинчи турдан кейин Любоевич 4,5 очко билан биринчи ўринда бормоқда. Полугаевский эса 4 очкога эга. Мекинг ва Портишлар 3,5 тадан очкони қўлга киритганлар.

ЁШЛАРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

РИМ. (ТАСС). СССРнинг ёш баскетболчилари Италиянинг Сумсоните шаҳрида турган ўсмирлар ўртасида Европа биринчилигида олтин медални қўлга киритишди.

Улар мусобақанинг охирги кунида Испания терма командасини 68:57 ҳисобида ютдилар. Спорт шарҳчиларининг таъкидлашича, совет командаси турнирни бошдан охиригача мағлубиятсиз ўтказиб, кучли ва дадил ўйин кўрсатди.

Италия терма командаси билан бўлган учрашувда 77:74 ҳисобида ғалабага эришган Югославия ўсмирлари учинчи ўринни олишди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

4-бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 АВГУСТ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ,

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—00673. Нашр В—2542.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.